ПАРТИЯ, ФИКР-ЎЙЛАРИМИЗ СЕН БИЛАН!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ
СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ.

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО
КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО
СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши
№ 12 (11761).

Шанба, 14 январь, 1961 йил.

Баҳоси 2 тийин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1961 йил 12 январда кун тартибидаги иккинчи масалани — 1960 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш давлат планининг ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳамда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари ҳақидаги масалани муҳокама қилишни давом эттирди.

Кечки мажлисда Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ З. Т. Сердюкнинг, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. Я. Пельшенинг, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Р. Раззоқовнинг, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Т. У. Ўлжабоевнинг докладлари тингланди.

* * *

1961 йил 13 январда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми кун тартибидаги иккинчи масалани — 1960 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш давлат планининг ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳамда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари ҳақидаги масалани муҳокама қилишни давом эттирди.

Марказий Комитет Пленуми эрталабки мажлисда Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Я. Н. Заробяннинг, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Б. Овезовнинг, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Г. Кэбиннинг докладларини тинглади.

Шундан кейин, докладлар муҳокама қилина бошлади. Эрталабки мажлисда музокараларда Г. И. Воронов (КПСС Оренбург область комитетининг секретари), К. Г. Писин (КПСС Олтой ўлка комитетининг секретари), Е. А. Долинюк (Тернополь область, Сталин номли колхознинг звено бошлиғи) ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирмоқда.

ЯРАТУВЧИЛИК ИШЛАРГА БОШЛАЙ БЕР ПАРТИЯ!

Колхозимизда 80 коммунист ва 500 дан ортиқ комсомол аъзолари бор. Булар КПСС XXII съездини чақириш тўғрисидаги хушхабарни барча колхозчиларга тезда етказдилар ва съездни муносиб совғалар билан кутиб олиш учун ҳамма жойда социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар.

Биз ўтган йили 2622 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан ўртача 35 центнердан ҳосил кўтардик. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. Бу йилги мажбуриятимиз янада улкан. Пахта майдонини 3 минг гектардан оширишимиз, 12 минг тонна пахта етиштиришимиз, 460 тонна гўшт, 550 тонна сут, 200 минг дона тухум тайёрлашимиз керак.

Пахта ҳосилдорлигини ошириш, чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида олиб борилаётган ишлар кун сайин кучайиб боряпти. Ўтган йили гектаридан 45-50 центнердан ҳосил етиштирган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хайрулла Юсупов, Муталип Ҳожиматов, Холмат Ҳошимов, Адолат Маматқулова бошлиқ трактор далачилик бригадалари янги йил ҳосилига пухта замин яратмоқдалар. Бригадаларда пахта майдонлари шудгорлаб қўйилди. Далага маҳаллий ўғит чиқариш қизғин боряпти.

550 тонна азот ва фосфорни ташиб олиб, яхши биноларда сақлаяпмиз. Яна шунча минерал ўғит ғамлаймиз. Ҳар бир бригадада чуқурлар қазилган. Маҳаллий ўғит шу чуқурларга тўкиляпти. Кўкламги экиш даври учун зарур бўлган машиналар, тирков асбоблари тахт қилиб қўйилди.

Колхозчиларимизнинг меҳнат ғайрати, шижоати шу қадар кучайиб кетдики, улар ҳар сафардагидек бу гал ҳам ўз жонажон Коммунистик партиясининг навбатдаги съездини янги меҳнат ғалабалари билан нишонлайдилар.

Биз мана шу улуғ воқеа муносабати билан барча совет деҳқонлари фикрини ифодалаб бундай деймиз: Совет халқини яратувчилик ишларига бошлай бер, ленинчи партия!

М. ЭШМАТОВ,
Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон» колхози партия ташкилотининг секретари.

КПСС XXII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИ

«ТАШСЕЛЬМАШ»ДА ЯНГИ ЦЕХ

Ҳозирги вақтда кўплаб пахта териш машиналари ишлаб чиқараётган Ворошилов номидаги Тошкент машинасозлик заводи тобора кенгайиб бормоқда. Бу йил корхона 5 мингдан кўпроқ «ХВС-1,2» маркали пахта териш машинаси ишлаб чиқариши керак. Бундай катта вазифани муваффақиятли амалга ошириш учун ишлаб чиқаришни тинмай такомиллаштириш зарур.

Кооперация тартибида детал ва узеллар етказиб бераётган қўшни корхоналар яхши ишлаётган бўлсалар-да, лекин машина қисмларининг ҳаммасини жойнинг ўзида тайёрлаш катта иқтисодий фойда беради. Шуни назарда тутиб, Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши машинасозлик саноати бошқармаси «Ташсельмаш» заводи территориясида деталларни пресслаш ва тайёрлаш цехини қуришга қарор қилди. Ўрта Осиёдаги энг йирик янги цехнинг узунлиги 250 метр бўлиб, умумий майдони 22 минг квадрат метр бўлади. Унда асосан 5 та бўлим жойлаштирилади. Деталларни тайёрлаш, пресслаш узелларни пайванд қилиш, бўяш ва машиналарни йиғиш каби иш жараёнлари конвейер усулида олиб борилади.

Цехнинг лойиҳа ҳужжатлари тузиланди. Ҳадемай қурилиш ишлари бошлаб юборилади.

ЛОКОМОТИВЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Тошкент темир йўлига қарашли Когон станцияси коллективлари халқ хўжалиги юкларини ташишда келтирилаётган юкларни тушириб олиш, янги юкларни жўнатишда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Айниқса депо машинистлари оғир юкли поездларни кўпайтирмоқдалар. Ана шу ишнинг Когондаги ташаббускори моҳир машинист Эдуард Сулицкий 10 январь куни яна бир ажойиб меҳнат ғалабасини қўлга киритди. У бошлиқ экипаж Зиёвуддин станциясидан Когон станциясигача белгиланганидан 900 тонна кўп юк ортилган оғир юкли поездни тўхтовсиз олиб ўтди.

Когон машинистлари январь ойининг ўтган кунлари мобайнида оғир юкли поездларни кўпайтириб, қўшимча 100 минг тонна халқ хўжалиги юкларини ташиб бердилар.

ИЛК ТУҲФАМИЗ

Жонажон Коммунистик партия Марказий Комитетининг Пленуми 1961 йилнинг 17 октябрида КПСС XXII съездини чақиришга қарор қилди. Бу қувончли хабар корхонамиз ишчиларини янги меҳнат зафарларига илҳомлантирмоқда. Бултур биз қўшимча 7,5 миллион сўмлик пахта толаси етказиб берган эдик. Бу йилги режаларимиз яна ҳам катта. Заводимиз ишчилари партиямизнинг навбатдаги съезди очиладиган кунгача 1961 йил давлат планини бажаришга қатъий бел боғлади.

Корхонамизда фидокорона меҳнат қилаётган кўпгина бригада аъзолари январь ойининг ўн куни ичида 20-25 кунлик топшириқни бажариб қўйдилар. Ўртоқ Бозорбой Тўлаганов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси шулар жумласидандир. Улар Пленум очилган кунгача пландан ташқари 400 тонна тола ва 40 тонна ўсимлик ёғи етказиб бердилар.

Бу — съездга уларнинг илк туҳфасидир.

У. ИСКАНДАРОВ.
Манғит пахта заводининг ишчиси.

ТЕХНИКА ТАХТ

УРГАНЧ, 13 январь. (ЎзТАГ). Хоразм корхоналарида, колхозларида ва ўқув юртларида митинглар ва йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Бу митинг ва йиғилишларда область меҳнаткашлари КПСС навбатдаги XXII съездини меҳнатда янги муваффақиятлар билан кутиб олишга тайёр эканликларини билдирмоқдалар.

— Жонажон партиямизнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисидаги ғоят катта ғамхўрлиги ҳаммамизни руҳлантирмоқда, — дейди Беруний номли колхоз звено бошлиғи Норжон Машарипова. — Бу йил Ватанга етти йиллик топшириқларида белгиланганидан анча кўпроқ пахта ва бошқа маҳсулотлар бериш учун астойдил меҳнат қилишга ваъда берамиз.

Беруний номли колхоз областда биринчилар қаторида етти йилликнинг учинчи йили кўкламига тайёргарликни тугаллади. Далаларни ғўзапоядан тозалаш тўла тугалланди, ирригация тармоқлари тартибга солинди, пахта майдонининг 75 проценти шудгор қилиб қўйилди, бутун қишлоқ хўжалик техникаси ишга тахт бўлиб турибди. Бу йил колхоз пахтакорлари гектаридан 40 центнердан ҳосил олишга қарор қилдилар. Бу эса ўтган йилдагидан 5 центнер кўпдир.

Областнинг бошқа кўпгина пахтакорлари ҳам КПСС XXII съезди шарафига оширилган социалистик мажбуриятлар олмоқдалар.

КАТТА СОВҒАЛАР БИЛАН

ФАРҒОНА, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Жонажон партиямизнинг XXII съезди чақирилиши ҳақидаги хушхабар область меҳнаткашларининг сиёсий ва меҳнат активлигини ошириб юборди. Саноат корхоналарида, колхоз, совхозларда, ўқув юртлари ва муассасаларда КПСС Марказий Комитети Пленуми материаллари зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Фарғона шаҳар маиший комбинатида КПСС Марказий Комитетининг партиянинг навбатдаги съездини чақириш тўғрисида чиқарган қарори муносабати билан кўп кишилик митинг бўлди.

— Партия съезди чақирилиши ҳақидаги хабар, — деди митингда комбинат бош инженери Э. Қурбонов, — бизни чексиз хурсанд қилди. Комбинатимиз коллективи съездни катта меҳнат совғалари билан кутиб олиш иштиёқида меҳнат қилмоқда. Ишчи ва хизматчиларимизнинг меҳнат шижоати ортиб кетди. Биз съезд очиладиган кунга ўн ойлик планни бажариш билан келишга аҳд қилдик. Бу бизнинг съездга совғамиз бўлади.

Митингда сўзга чиққан ишчилар партия съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кучайтириш, аҳолига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш ҳақида гапирдилар.

Митингда йиллик планни Совет конституцияси куни — 5 декабрда бажариш, янги бўёқлаш ва кийимлар тозалайдиган фабрикаларни муддатидан илгари ишга туширишга қарор қилинди.

«Ташсельмаш» заводининг ишчилари Т. ТОЖИБОЕВ (чапдан), М. ҚУШОҚОВ, И. БОЛДИРОВ ва В. ГЛУХОВ КПСС Марказий Комитети Пленумининг партиямизнинг XXII съездини чақириш тўғрисида чиқарган қарорини зўр хурсандчилик ва мамнуният билан кутиб олдилар.

Қ. Розиқов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Пленумининг 11 январь кечки мажлисида Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев сўзлади.

Ўртоқ Д. А. КУНАЕВ доклади

Республикамиз, дейди ўртоқ Кунаев, Совет Иттифоқи халқларининг қардошларча буюк ёрдами туфайли мамлакатнинг энг йирик қишлоқ хўжалик районига айланди ва эндиликда товар ғалла ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда республикамизнинг салмоғи анча катта. Аммо, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш соҳасида эришилган даража ҳали сира ҳам етарли эмас ва Қозоғистонда мавжуд бўлган катта имкониятларга муносиб эмас.

КПСС Марказий Комитетининг 1959 йил декабрь Пленумида республика партия ва совет органлари қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда катта камчиликларга йўл қўйганликлари учун ҳақли суратда танқид қилинди. Ўтган йили ана шу камчиликларни бартараф қилиш чоралари кўрилди. 183 та механизация мактаблари ташкил этилди. Бу мактаблар ҳозир ишлаб турибди, 100 мингдан кўпроқ тракторчи ва комбайнчи тайёрланди ва қайтадан тайёрланди. Совхоз ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш учун қарийб 5 миллиард сўм сарфланди, уй-жой қурилишининг белгиланган ҳажми тўлиқ бажарилди. Совхоз ва колхозлар қўшимча техника олдилар, ғалла қабул қилиш пунктлари шохобчалари кенгайтирилди. Кўклам фаслида асосий эътибор ер ҳайдаш ва экишни ўз вақтида ҳамда сифатли қилиб ўтказишга қаратилди. Аммо, уч миллион гектар ерга дон экинлари кечикиб экилди.

Нотиқ айтадики, ўтган йили етиштирилган ғалла тўла-тўкис йиғиштириб олинди. Ҳосил кам бўлганлиги сабабли давлатга планда кўрсатилган 794 миллион пуд ўрнига, атиги 642 миллион пуд дон топширилди. Республика давлат олдида катта қарздор бўлиб қолди.

Бундай ҳолнинг рўй беришига, — деб таъкидлайди ўртоқ Кунаев, — об-ҳаво шароитигина сабаб эмас, чунки илғор хўжаликлар мўл ҳосил етиштира олдилар. Агротехника қоидаларининг қўпол суратда бузилганлиги, яхши сифатли уруғ экилмаганлиги, ҳосилни йиғиштириб олиш вақтида нобудгарчиликка йўл қўйилганлиги дон етиштиришнинг аввалги йиллардагига нисбатан камайиб кетганлигига асосий сабабдир. Совхоз ва колхозлар бутун экин майдонларида муттасил юқори дон ҳосили етиштиришга ҳали эришган эмаслар.

Қозоғистон 1961 йилда давлатга 800-850 миллион пуд дон, асосан буғдой топшириши учун ҳозир тегишли тадбирлар кўрмоқда. Бунинг учун дон экинлари ҳосилдорлигини ҳар гектар ер ҳисобига камида 3-3,5 центнер кўпайтириш керак. Камида 5,5 миллион гектар ерни эрта шудгор қилиб қўйиш мўлжалланди.

Практика ва фан хулосалари Қозоғистонда дон экинларини ёзда ва кузда шудгор қилиб ҳайдаб қўйилган ерларга экиш натижасида ялпи дон ҳосилини 150-200 миллион пуд кўпайтириш мумкин эканлигини тасдиқлайди.

Янги совхозларни ташкил этган пайтда қўшимча равишда яна 3-3,5 миллион гектар қўриқ ерни ўзлаштириш мумкин ва экин майдонларининг умумий ҳажми 36 миллион гектарга етказилади. Бу йил дон экиладиган майдонларнинг камида 70 процентига сортли уруғлар экилади.

Ўртоқ Кунаев айтадики, машина-трактор паркидан фойдаланишни яхшилашга алоҳида эътибор бериш керак. Хусусан қўриқ районлардаги совхозларнинг ярмидан кўпроғида устахоналар йўқ ва техника мослаштирилмаган биноларда ремонт қилинмоқда. Бу ҳол маблағ ва материалларни ортиқча сарф қилишга сабаб бўлмоқда. Ҳар бир совхозда устахоналарни қисқа вақт ичида қуриш керак. Бундан ташқари, махсус ремонт заводларини вужудга келтириш зарур. Республикада қишлоқ хўжалик машинасозлиги саноатини барпо қилиш зарурати ҳам туғилди.

Доимий ишловчи механизатор кадрлар тайёрлаш аввалдагидек ҳозирда ҳам асосий масалаларнинг биридир. 1961 йилда профтехника таълим мактабларида, хўжаликлардаги курсларда 80 мингга яқин механизатор тайёрланади. Лекин шундай бўлса ҳам, ана шу кадрларга бўлган эҳтиёж тўла қондирилмайди. Бу ишда, — дейди ўртоқ Кунаев, — Украина ва Россия Федерациясидаги совхозларнинг Қозоғистон қўриқ ерларидаги совхозлар билан доимий алоқа ўрнатишлари жиддий ёрдам бериши мумкин, токи жанубий областларнинг комбайнчилари ўзларида ўрим-йиғимни тамомлаганларидан кейин бизга келиб ёрдам берсинлар.

Н. С. Хрушчев: Бу тўғри тадбир, аммо муваққат, ўткинчи тадбиргина деб ҳисоблайман. Сиз ўз совхозларингиз ва колхозларингизда комбайнчи кадрларни тайёрлашингиз керак, шунингдек ўз корхоналарингиз ва ҳатто муассасаларингизда баъзи ишчи ва хизматчиларга комбайнчилар касбини ўргатишингиз лозим.

Чўчқа боқувчилар, сут соғувчилар ва чорвачилик соҳасида ишловчи бошқа ходимлар комбайнчи касбини эгаллаб, ўрим-йиғимда ишлай олсалар яхши бўлур эди. Ахир, ўрим-йиғим йилига тахминан 15 кун давом этади-ку. Одамларни бошқа республикалардан бир неча минг километр нарига юбориб туришдан кўра, маҳаллий ходимларга кўпроқ ҳақ тўлаш маъқулдир. Ўрим-йиғим даврида комбайнчи бўлиб ишлайдиган ажойиб кишиларни топиш мумкин эканлигига аминман, техника эса сизда бўлади. Шундай қилганингизда Украина ва Россия Федерациясига мурожаат қилиб ўтирмайсиз. **(Қарсаклар).**

Д. А. Кунаев: Биз ҳам буни тушуниб турибмиз.

Қозоғистон жанубий районларининг тупроқ-иқлим шароити дон экинлари етиштириш билан бир қаторда пахта, қанд лавлаги ва бошқа техника экинлари етиштиришни анча кўпайтириш имконини беради.

Суғориладиган ерлардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисидаги ва шу муносабат билан шолипояларни кенгайтириш ҳақидаги таклиф, — деб таъкидлайди ўртоқ Кунаев, — алоҳида эътиборга сазовордир.

Н. С. Хрушчев: Пахта майдонларини камайтириш ҳисобига эмас. Хуллас, пахта етиштириш мумкин бўлган суғориладиган ерларни шолига банд қилиб қўймаслик керак.

Ўртоқ Кунаев биз бундай қилмаймиз, дейди. Сўнгра у айтадики, бу экинга эътибор берилмаганлиги шунга олиб келдики, шоли етиштириш процессларини механизациялаш пасайиб кетди, ирригация жиҳатидан тайёрланган шоликор ерлар йўқ ва кейинги йилларда шоли ҳосилдорлиги пасайиб кетди. Ҳосилдорликни ошириш — шоли етиштиришни кўпайтиришнинг катта резервидир. 1961 йилда икки баравар кўпроқ шоли экилади. Яқин вақтлар ичида суғориш учун яроқли бўлган 1.200 минг гектар ерни ўзлаштириш мўлжалланади. Бундан 500 минг гектар ерга шоли экилади. Республикада шоликорликни ривожлантириш учун юздан кўпроқ янги совхозлар ташкил этиш керак.

Сўнгра докладчи айтадики, республика гўшт, сут, тухум ва қоракўл тери сотиш юзасидан етти йилликнинг иккинчи йили планини муддатидан илгари бажарди. Гўшт етиштириш ва харид қилиш ортиши билан бирга, колхоз ва совхозларда қорамоллар, чўчқа ва паррандалар миқдори ҳам бирмунча кўпайди. Аммо, республикада яна шундай ҳоллар ҳам рўй берадики, область ва районларнинг баъзи раҳбарлари юксак мажбуриятлар олганлари ҳолда, бу соҳада ташкилотчилик ишлари олиб бормаётирлар. Бунинг натижасида баъзи областларда 1961 йил бошланишигача чорва моллар, хусусан қўй ва эчкилар 1959 йилдагидан камайиб кетди.

Совхоз ва колхозларда социалистик мусобақанинг ривожланиб кетганлиги, республикага кўрсатилаётган ёрдам 1961 йилда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва жамоат чорва молларини кўпайтириш соҳасида олдимизда турган вазифалар, шубҳасиз, бажарилади деб айтиш имконини беради.

Ўртоқ Кунаев кадрлар билан ишлаш тўғрисида гапириб айтадики, бу ишда ҳали кўпгина жиддий камчиликлар бор. Ишлаб чиқаришни яхши билмайдиган ва ўз олдиларига қўйилган вазифаларни ҳал эта олмайдиган бўш ходимлар баъзи хўжаликларга раҳбарлик қилмоқдалар. Хўжаликлар ва ташкилотлардаги айрим раҳбарларнинг алдамчилиги ва кўзбўямачилиги каби фактлар жуда ярамас бир ҳолдир. Биз ана шу шармандали ҳолларга барҳам бериш ва уларнинг бундан буён такрорланишига йўл қўймаслик учун тегишли ҳамма чораларни кўрмоқдамиз. Ҳозирги вақтда республикада район партия комитетлари ва район ижроия комитетларининг раҳбар составини янада мустаҳкамлаш, омма ўртасида партиявий-ташкилий ва сиёсий ишларни юксак даражага кўтариш чоралари кўрилмоқда.

Қозоғистон ССР шу йилнинг июнь ойида ўзининг 40 йиллигини ва Қозоғистон Коммунистик партияси ташкил этилган куннинг 40 йиллигини байрам қилади. Республика меҳнаткашлари, — дейди ўртоқ Кунаев, — етти йилликнинг учинчи йилининг топшириқларини муваффақиятли бажаришни таъминлайдилар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ва бутун халқ хўжалигини юксалтириш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қиладилар.

* * *

Шундан кейин Қозоғистон ССР Қўриқ ер ўлкаси ўлка партия комитетининг биринчи секретари Т. И. Соколов сўзга чиқади.

Ўртоқ Т. И. СОКОЛОВ доклади

Н. С. Хрушчев партия Марказий Комитетининг 1954 йил февраль Пленумида, — дейди ўртоқ Соколов, — мамлакатнинг шарқида янги ерларни ўзлаштиришнинг буюк программасини қабул қилишни таклиф этди. Бизнинг партиямиз ва бутун совет халқи ана шу ажойиб таклифни қизғин маъқулладилар ва қўллаб-қувватладилар. Ҳозирги вақтда Шимолий Қозоғистонда 17 миллион гектар янги ер ўзлаштирилди ва юзларча янги совхозлар ташкил этилди. Бу эса, ғалла етказиб беришни саккиз баравар кўпайтириш имконини берди. Қўриқ ерлар ҳайдалишидан олдинги етти йил ичида давлатга қарийб 400 миллион пуд ғалла топширилган эди, бу ерлар ўзлаштирилгандан кейинги етти йил ичида эса, қарийб уч миллиард пуд ғалла топширилди.

Ҳисоб-китоблар давлатнинг қўриқ ерларни ўзлаштириш учун қилган сарфлари ортиғи билан қопланганлигини кўрсатади. Ковил ўсадиган даштлар ўзлаштирила бошлагандан буён совхозлардаги қурилиш ишларига, техника сотиб олиш ва кадрлар тайёрлашга 16 миллиард сўм сарф қилинди. Давлат шу давр ичида ўлкадаги дон совхозлари ғалласини реализация қилиш йўли билангина 22 миллиард сўм соф даромад олди.

Қўриқ ерлар ўзлаштирилиши билан Қозоғистоннинг шимолий қисми давлатимизнинг жуда катта ғаллакор районига айланди. Бу эса, партиянинг ва бутун совет халқининг жуда катта муваффақияти ва тарихий зафаридир. Ўлкадаги совхоз ва колхозлар ўтган йили экиш планини ошириб бажардилар, ҳосилни тўла-тўкис йиғиштириб олдилар ва ғаллани вақтинча қурилган узоқ жойлардаги пунктлардан ташиб олдилар. Аммо, йил охирида якунлар бундан кўп даража яхшироқ бўлиши мумкин эди. Буғдой бошоқлари тўлишиб, етила бошлаган даврда об-ҳаво шароитининг ноқулай келиши, деҳқончилик маданиятининг пастлиги, агротехника қоидаларининг бузилиши ва кўп районларда ишнинг пухта ташкил этилмаганлиги натижасида ҳосил анча камайиб кетди.

Партия ташкилоти, совет ва хўжалик органлари яқин икки-уч йил ичида дон етиштиришни 1100-1200 миллион пудга етказиш ва бунинг натижасида дон етиштиришнинг етти йиллик охирига мўлжалланган миқдорини 200-300 миллион пуд кўпайтиришга эришадилар. Шу мақсадда ҳозирги вақтда зоналар ва айрим хўжаликлар бўйича деҳқончиликнинг табақалаштирилган системаси ва ердан фойдаланишнинг рационал схемалари ишлаб чиқилмоқда.

Ўртоқ Соколов ерларни тоза шудгор қилишни алмашлаб экишнинг энг муҳим қисми деб ҳисоблайди. Бу чора қўриқ ерларда буғдойдан муттасил юқори ҳосил етиштиришни таъминлайди. Умуман ўлкада шудгор қилиб қўйилган ерларнинг кенгайтирилиши экин майдонларининг камайтирилишига сабаб бўлмайди, чунки мавжуд янги ерларни ҳайдаш давом эттирила беради.

Ўртоқ Соколов уруғчилик ишини ташкил этишга тўхталиб ўтади, қўриқ ерларда дон, чорвачилик ва қишлоқ қурилиши бўйича илмий-тадқиқот муассасалари шохобчаларини уюштириш зарурлиги ҳақида гапиради.

Ўртоқ Соколов чорвачилик масалаларига тўхталиб айтадики, кейинги йилда совхоз ва колхозларда гўшт етиштириш 21 процент, сут етиштириш 14 процент, тухум етиштириш 34 процент ва жун етиштириш 2 процент кўпайди. Лекин шундай бўлса ҳам, ўлкада ҳар 100 гектар ер ҳисобига чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳали юқори даражага кўтарилган эмас: ҳар 100 гектар ер ҳисобига 3,4 центнер гўшт, 12,5 центнер сут, 300 дона тухум олинмоқда.

Ўлка партия ташкилоти илғор хўжаликларнинг тажрибасига таяниб ва совхоз ҳамда колхозларнинг катта имкониятларини ҳисобга олиб, тегишли тадбирларни ишлаб чиқмоқда. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши 1965 йилда 800-900 минг тонна гўшт, қарийб 2 миллион тонна сут, 870 миллион дона тухум, 30 минг тонна жун тайёрлаш имконини беради. Бу эса, етти йиллик план топшириқларидан анча ортиқдир.

Гўшт етиштириш чорва молларини урчитиб кўпайтириш ва уларнинг наслини яхшилаш ҳисобига, кондицияси ва вазнини ошириш ҳисобига кўпайтирилади. Паррандачилик — гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим манбаи бўлиб қолади. Етти йилликнинг охирида урғочи паррандалар сонини 2355 мингдан 12-14 миллионга етказиш мўлжалланди.

(Давоми иккинчи бетда)

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми

(Боши биринчи бетда)

Қўриқ ерларда қўйчилик, асосан майин жунли қўйчилик анча ривожлантирилиши керак. Яқин беш йил ичида қўйлар сонини камида икки баравар кўпайтириш мўлжалланади. Бу эса, арзон қўй гўшти ва жун етиштиришни анча кўпайтириш имконини беради.

Докладчи Қозоғистоннинг шимолий областларида маккажўхори катта истиқболга эга эканлиги тўғрисида гапиради. Бу областларда маккажўхори яхши ўсади ва агротехника қоидаларига риоя қилинган тақдирда маккажўхоридан мўл ҳосил олиш мумкин. Қўриқ ерларда маккажўхори ғоят муҳим мол озуқаси сифатидагина эмас, балки ўрнига буғдой экиладиган энг яхши экинлардан бири сифатида ҳам зарур.

Ўртоқ Соколов 1960 йилда маккажўхоридан ўртача кам ҳосил олинганлигини, ҳар гектар ердан қарийб 100 центнер кўкпоя олинганлигини кўрсатиб, маккажўхорининг ҳосилдорлигини ошириш тадбирлари ҳақида гапиради.

Н. С. Хрушчев. Демак, сизлар экин майдонларини кенгайтириш масаласини эмас, балки маккажўхори етиштириш маданиятини ошириш, унинг ҳосилдорлигини кўпайтириш масаласини кўтараётган экансизлар-да.

Т. И. Соколов. Ҳа, шундай.

Ўртоқ Соколовнинг докладида совхозларнинг рентабеллиги масалаларига ва капитал қурилишга катта ўрин берилди. Совхозларда ва ғалла қабул қилиб олиш пунктларида 4 миллиард сўм ҳажмида йиллик қурилиш плани бажарилди. 845 минг квадрат метр ҳажмида уй-жойларни фойдаланишга топшириш плани ҳам бажарилди. Шу билан бирга, мактаб, касалхоналар, болалар муассасалари, ремонт устахоналари, элеваторлар ва чорвачилик бинолари қурилиши кейинда қолмоқда.

Ўртоқ Соколов айтадики, яқин йилларда қишлоқларни шаҳарга ўхшатиб қайта қуришга, бир жойдан иситиладиган, канализация, водопроводи ва ҳоказолари бўлган 4-5 қаватли уйлар қуришга киришмоқ лозим.

Н. С. Хрушчев. Мен бунда аҳоли яшайдиган мавжуд пунктларни қайта қуриш тўғрисида эмас, балки янги қурилиш тўғрисида гап бораётганлигини аниқлашни истар эдим. Акс ҳолда баъзи ўртоқлар ҳамма уйларни бузиб ташлаб, 4-5 қаватли уйлар қуриш керак деб ўйлашлари мумкин. Мен янги қурилиш олиб борилаётган жойларда бундай уй-жойларни қуриш тарафдориман. Бундай жойларда, хусусан совхозларда бундай уйларни қуриш мақсадга мувофиқдир.

Докладчи айтадики, етти йилликнинг қолган беш йили қўриқ ерларда буюк қурилиш йиллари бўлади. Шу йилнинг ўзидаёқ капитал қурилишга чиқариладиган маблағ ўтган йилга нисбатан икки баравар, шундан кейинги йилларда эса уч баравар ортади.

Шу Пленумнинг қарорларидан илҳомланган ўлка партия ташкилоти,—дейди ўртоқ Соколов сўзининг охирида,—ҳаёт бағишланган қўриқ ерларнинг битмас-туганмас ўз бойликлари билан совет халқини йилдан-йилга кўпроқ таъминлаши учун зўр ғайрат билан кураш олиб боради

* * *

Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. Т. Мазуров доклад қилди.

Ўртоқ К. Т. МАЗУРОВ доклади

Белоруссия меҳнаткашлари бутун совет халқи билан биргаликда, дейди ўртоқ Мазуров, етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун курашмоқдалар. Республикада саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг кўпайиши билан бир қаторда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ҳам ўсмоқда. Бироқ, дейди докладчи, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўсиш суръати ҳали етарли эмас. Бу суръат етти йиллик планда кўзда тутилганидан пастроқдир.

Белоруссия Компартияси Марказий Комитети КПСС Марказий Комитетининг мазкур Пленумига тайёрланиб, етти йилликнинг дастлабки икки йилига якун ясади. Бу якунлар қандай бўлди? Ўтган йили республика чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш планини ошириб бажарди. Колхоз ва совхозларда 1960 йилда гўшт етиштириш 1959 йилдагига нисбатан 12 процент, сут етиштириш эса 15 процент ошди. Қорамоллар сони 16 процент, сигирлар сони 12 процент, чўчқалар сони 7 процент кўпайди. Қўйлар туёғи бирмунча камайди.

Чорвачиликни ривожлантиришдаги асосий нарса дейди, ўртоқ Мазуров, — жамоат хўжалигида сигирлар сонини энг кўп даражада кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишдан иборатдир. Колхоз ва совхозларда ҳар бош сигирдан соғиб олинган ўртача сут миқдори 1953 йилдан 1960 йилгача 919 килограмм кўпайди, лекин сут соғиб олишнинг ўртача миқдори ҳали ҳам паст даражада қолмоқда. Ўтган йили ҳар бош сигирдан соғиб олинган ўртача сут миқдори 56 килограмм ошди ва 1825 килограммни ташкил қилди. Ҳозир колхоз ва совхозлар сигирлар сонини кўпайтиришга катта эътибор бермоқдалар. Республика хўжаликларида 700 минг бузоқ танлаб олинди ва парвариш қилинмоқда.

Гўшт етиштиришни кўпайтириш юзасидан бир қанча амалий тадбирлар белгиланди. Кўпгина хўжаликларда қорамолни парвариш қилиш, яйловда боқиш ва семиртириш бўйича махсус фермалар ва бригадалар тузилмоқда. Ҳозир 150 минг бош икки яшар таначалар сўқимга боқилмоқда. Яйлов даври бошланиши билан камида 800 минг бош қорамолни яйловга чиқаришга қарор қилинди. 1965 йил учун мўлжалланган тухум ва парранда гўшти етиштириш даражасига 1963 йилдаёқ эришиш мўлжалланмоқда.

Белоруссия қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик ишларини уюшқоқлик билан ўтказдилар. Дон экинларининг ҳосилдорлиги 1959 йилдагига нисбатан, ҳар гектарига 1,6 центнер ошди.

1959 йилдагига нисбатан бир ярим баравар кўп зиғирпоя толаси олинади. Картошка, сабзавот ва қанд лавлаги етиштириш кўпайди. Деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш анча ошганига қарамай, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бир қанча турлари бўйича ялпи ҳосил юзасидан етти йиллик топшириғи тўла бажарилмади. Бунга деҳқончилик маданиятининг ҳали ҳам паст даражада бўлиши, асосий қишлоқ хўжалик ишларини ўтказиш муддатларининг бузилиши, ҳосилни йиғиштириб олиш пайтида кўпгина нобудгарчиликларга йўл қўйилиши сабаб бўлмоқда. Ўртоқ Мазуров сўнгра ғалла, картошка, сабзавот, зиғир, каноп, қанд лавлаги етиштиришни кўпайтириш вазифалари тўғрисида гапиради.

Ўтган йили, дейди нотиқ, чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш юзасидан катта иш қилинди. Асосий эътибор маккажўхори етиштиришни кўпайтиришга қаратилди. Бу экиндан мўл ҳосил етиштирилди. 348 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 407 центнердан маккажўхори ҳосили олинди, ҳар бош сигирга 12 тоннадан маккажўхори силоси бостирилди. Думбул сўта камроқ йиғиштириб олинди. 70 минг гектар майдондан алоҳида-алоҳида йиғиштириб олинган сўта ҳосили донга айлантириб ҳисоблаганда 22,6 центнерни ташкил қилди.

Республикада кейинги йилларда кўпгина яхши маккажўхорикорлар ўсиб етишди. Ўтган йили республикада маккажўхори етиштиришга комплекс механизацияни қатъиятлик билан жорий қилдик. А. Гиталов ва Н. Мануковский намунаси асосида 258 минг гектар майдондаги маккажўхори экини механизация билан ишланди.

Докладчи деҳқончилик маданиятини ошириш, алмашлаб экишни ўзлаштириш, сортли уруғликлар экишга ўтиш, органик ва минерал ўғитлардан кенг фойдаланиш ҳамда қишлоқ хўжалик заракунандаларига қарши кураш масалаларига катта аҳамият беради. У, республикада минерал ўғит ишлаб чиқаришнинг ўсиши ҳақида гапиради. Солигорскийдаги калий ўғити комбинати 1961 йилдаёқ дастлабки маҳсулотни беради. Белоруссияда қидириб топилган калий тузларининг запаси ана шундай комбинатларнинг учтаси учун юз йилдан кўпроққа етади. Калий тузларига талаб жуда катта. Ўртоқ Мазуров 1961 йилдан иккинчи комбинат қуришни бошлашни таклиф қилади.

Н. С. Хрушчев: Бу ҳақда ўйлаб кўриш керак. Украина ва Белоруссия Госпланлари бу ишни қандай қилиб мақсадга мувофиқроқ ташкил этишни ҳисоблаб чиқишлари лозим. Балки калий ўғитлари учун Белоруссиядаги хомашё манбалари Украинадагига нисбатан бойроқдир? Бундай тақдирда, балки, Белоруссияда калий ўғитлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш фойдалироқ бўлур ва бунда ҳамма ғарбий областлар бундай ўғитлар билан таъминланиши мумкин. Бу ерда транспорт имкониятлари ҳам бор.

К. Т. Мазуров: Биз шу фикр тарафдоримиз.

Н. С. Хрушчев: сиз шу фикр тарафдорисиз-ку, лекин украинлардан ҳам сўраш керак.

Ўртоқ Мазуров айтадики, Белоруссияда колхоз ва совхозларга юзаки, декларатив раҳбарлик қилиш, ваъдабозлик ва сафсатабозлик ҳали ҳам таг-томири билан йўқотилгани йўқ. Айрим раҳбарлар мажбуриятларни ишлаб чиқиш вақтида зўр ғайрат ва ташаббус кўрсатадилар-у, кейин бу мажбуриятларни бажариш юзасидан зарур ташкилотчилик ишини олиб бормайдилар, ўзлари берган ваъдага масъулиятсизлик билан қарайдилар, баъзан эса партия аъзосига хос бўлмаган, яъни кўзбўямачилик ҳамда партия ва давлатни алдашдан иборат жинояткорона йўлга тушиб қоладилар.

Республикада фан ютуқларини ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши илғорларининг тажрибасини жорий қилиш вазифаси яхши ҳал этилмаётир. Белоруссия хўжаликларида ўтган йили 60 чўчқабоқар 1000 бош ва ундан кўпроқ чўчқани бўрдоқига боқди. Лекин айни вақтда шундай район ва колхозлар ҳам борки, улар икки мингта чўчқани ҳам боқиб семиртира олмадилар.

Докладчи мелиорация масалалари устида батафсил тўхталади. Ботқоқларни ва дарёлар одоғидаги ботқоқланган ерларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун қуритиш ва ўзлаштириш ғоят фойдали ишдир. Урушдан кейинги йилларда республикада ярим миллион гектар ботқоқ ва ботқоқланган ер ўзлаштирилди.

Ўртоқ Мазуров қизиқарли маълумотларни келтиради. Белоруссияда дон экинларининг ҳар гектаридан олинган ўртача ҳосил 8.7 центнер бўлди, торфдан тозаланиб қуритилган 143 минг гектар ерда эса, ҳар гектаридан олинган ўртача ҳосил 17,2 центнерни ташкил қилди. Янги ерларда эски ерлардагига қараганда картошка, маккажўхори, кўп йиллик ўт, қанд лавлаги ҳосили ҳам анча кўп бўлди.

Тегишли ёрдам кўрсатилса, Белоруссия мавжуд 6 миллион гектар экин майдонига ана шундай ажойиб қўриқ ерлардан яна қарийб 4 миллион гектарни қўша олади. Етти йиллик планда республикада фақат 700 минг гектар ботқоқ ва ботқоқланган ерларни қуритиш ва ўзлаштириш мўлжалланган. Бу мутлақо етарли эмас, мелиорация ҳажмини ошириш зарур.

Белоруссия партия ташкилоти, дейди ўртоқ Мазуров ўз докладининг охирида, етти йилликнинг учинчи йилига қадам қўяр экан, республика қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш вазифасини тезроқ ва муваффақиятлироқ ҳал этиш ҳамда етти йиллик топшириқларини бажариш учун қишлоқ меҳнаткашларини янада ғайрат билан ишлашга сафарбар қилади.

* * *

12 январда Москвада КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирди. Кун тартибидаги иккинчи масала—1960 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш давлат планининг ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида ҳамда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари ҳақидаги масалани муҳокама қилиш давом эттирилди.

Пленум мажлиси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов доклади билан бошланди.

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ доклади

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитетининг бу Пленуми коммунистик қурилишни кенг авж олдириш вазифаларини ҳал қилишда партиямиз ленинчи Марказий Комитети ўтказаётган доно раҳбарликнинг, изчиллик ва сабот билан ишлашнинг янги ёрқин далилидир.

КПСС Марказий Комитетининг пленумлари бутун партия учун, партия кадрлари учун назарияни практика билан чамбарчас боғлаш намунаси, ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг чинакам мактаби бўлиб қолмоқда. Бунинг учун биз ўртоқ Хрушчев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Президиумидан миннатдормиз, унинг бутун фаолияти Ленин руҳи билан, ички ва халқаро ҳаётнинг чуқур жараёнларини билишга асосланган ленинча зийраклик билан суғорилган.

Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитети Президиумига ёзган хати ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва халқ фаровонлигини ошириш вазифалари тўғрисида у сўзлайдиган нутқларнинг тезислари бу Пленум ишларига асос қилиб олинди. Мана шу хат ва тезислар мамлакатни ривожлантиришнинг муҳим проблемаларини қўйиш ва ҳал қилишда марксча-ленинча узоқни кўриб иш олиб боришнинг айни намунасидир.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумини чақириш тўғрисида эълон қилинган хабар бутун мамлакатда бўлгани каби бизнинг республикамизда ҳам катта сиёсий активликни ва меҳнат ғайратини кучайтириб юборди.

КПСС Марказий Комитети Пленумида бизнинг докладимиз иккинчи марта қўйилаётганлигини Совет Ўзбекистонини янада яшнатиш тўғрисида партия жуда катта ғамхўрлик қилаётганлигини кўрсатувчи факт, деб ҳисоблаймиз. Республика коммунистлари ва барча меҳнаткашлари етти йиллик топшириқларини муддатидан олдин амалга ошириш, ўзларининг интернационал бурчларини бажариш соҳасида фидокорона ишлашни мана шу ғамхўрликка энг яхши жавоб деб ҳисоблаб келдилар ва ҳисобламоқдалар.

Ўзбекистон саноати йиллик планни муддатидан олдин, 1960 йил 19 декабрда бажарди ва пландан ташқари (нархларнинг янги миқёсида ҳисоблаганда), бир неча ўн миллион сўмлик маҳсулот берди. Капитал қурилишда олға томон янги қадам қўйилди. Сарфланган капитал маблағларнинг ҳажми 1959 йилдагига нисбатан 20 процентдан зиёдроқ кўпайди. Транспорт ва алоқа ходимлари катта ютуқларни қўлга киритдилар. Тошкент темир йўли сурункасига беш кварталдан бери СССР Министрлар Советининг ва ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғини қўлдан бермай келмоқда.

Давлатга маҳсулот сотиш йиллик планлари: гўшт бўйича 163 процент, сут бўйича 131 процент, тухум бўйича 135 процент, жун бўйича 110 процент, қоракўл терилари бўйича 116 процент, пилла бўйича 102 процент, сабзавот бўйича 106 процент, картошка бўйича 105 процент, полиз экинлари бўйича 103 процент, мевалар бўйича 119 процент, узум бўйича 115 процент, луб экинлари бўйича 162 процент бажарилди.

Республика пахтакорлари ўтган йил мамлакатга 2 миллион 830 минг тонна пахта бериб, давлат планини 94 процент бажардилар. Биз давлатдан катта қарздор бўлиб қолдик. Шарт-шароити алоҳида мураккаб бўлган ўтган йил бизга кўп нарсани ўргатди. Фаолиятимизнинг ижобий ва салбий томонларини ўтган йил жуда яққол кўрсатиб берди. Пахтачилик соҳасида ўтган йилнинг якунларидан ўзимизга фойдали сабоқлар чиқариб олдик, лозим бўлган хулосаларга келдик.

КПСС XXI съезди Ўзбекистон ССР Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси эканлигини ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолишини белгилаб берди. Мамлакатнинг пахтага бўлган ва ўсиб бораётган эҳтиёжларини таъминлаш Ўзбекистон партия ташкилотининг асосий вазифасидир. Ўтган йилнинг якунлари тўғрисида ва республикада пахтачиликни янада ривожлантириш йўлидаги тадбирларимиз ҳақида батафсилроқ гапириб ўтишга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистондаги кўп областлар, районлар, колхозлар ва совхозларнинг партия ташкилотлари ташкилотчилик ишларини лозим бўлган даражада олиб борганликлари, илғор агротехникани тўғри қўллаганликлари, комплекс механизацияни дадил жорий қилганликлари туфайли, ўтган йил рўй берган қийинчиликларни муваффақиятли равишда енгишга ва тузуккина натижаларга эришишга муваффақ бўлдилар. Хоразм области пахтакорлари давлат планини ва ўз мажбуриятларини мамлакатда биринчи бўлиб бажариб, Ватанга 265 минг тонна пахта бердилар. Қорақалпоғистон меҳнаткашлари ҳам планни муддатидан олдин бажариб, давлатга 210 минг тонна пахта сотдилар. Самарқанд области меҳнаткашлари планни бажариб, давлатга 345 минг тонна пахта сотдилар. Сурхондарё области пахтакорлари яхши ишладилар: улар Ватанга 370 минг тонна пахта бердилар. Мамлакатда энг катта пахтакор область бўлган Андижон меҳнаткашлари катта ғалабага эришдилар: улар пахтадан мўл ҳосил етиштириб, давлатга 610 минг тонна «оқ олтин» сотдилар.

Ватан олдидаги ўз бурчини бажармоқ учун ҳамма имкониятлардан қийин шароитларда ҳам фойдалана олиш мумкинлигини, жумладан, Тошкент областидаги уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, машҳур пахта устаси Ҳамроқул Турсунқулов бошчилик қилаётган Хрушчев номли қишлоқ хўжалик артели мисолида кўрсатиб берса бўлади. Бу колхозда бутун майдондаги деярли ғўзанинг ҳаммасини дўл уриб ва сел ювиб кетди, лекин шунга қарамай, колхоз тегишли чораларни кўрганлиги натижасида давлат планинигина эмас, шу билан бирга, ўзининг социалистик мажбуриятларини ҳам бажарди. **(Қарсаклар).**

Шу билан бир вақтда, 1960 йилнинг якунлари ишимизда жиддий камчиликлар бўлганлигини кўрсатди. Республиканинг бир қанча областлари, районлари, колхозлари ва совхозлари ўз вазифаларини адо қилмадилар. Масалан, Фарғона области пахта тайёрлаш планини 86 процент бажариб, пахтани 72 минг тонна кам берди; планни 82 процент бажарган Тошкент области пахтани 81 минг тонна кам берди; планни 79 процент бажарган Бухоро области пахтани 57 минг тонна кам берди.

Бу областлар, айниқса Тошкент ва Бухоро областлари пахта тайёрлаш планини бажармаганликларининг асосий сабаби шуки, область ва район партия комитетлари ташкилотчилик ишларини ва оммавий-сиёсий ишларни бўшаштириб юбордилар, агротехника талабларининг бузилишига йўл қўйдилар, одам ресурсларидан, механизмлар ва бошқа мавжуд резервлардан тўла фойдаланишни таъминламадилар.

Бу областларнинг жиддий равишда орқада қолганлиги учун бизнинг зиммамиздаги масъулият нақадар катта эканлигини тушунамиз. 1960 йилда пахтачиликка раҳбарлик қилишда партия ва совет ташкилотларининг йўл қўйган камчиликлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ўтган йил декабрь ойида бўлган пленумида қаттиқ танқид қилинди. Пленум бу камчиликларни йўқотишга ҳамда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш соҳасида етти йиллик планни муддатидан олдин бажаришни таъминлашга қаратилган конкрет тадбирларни белгилаб берди.

Биз партия ва совет аппаратининг ҳамма бўғинларини, айниқса орқада қолаётган областлар, районлар, колхозлар ва совхозларни малакали мутахассислар, яхши ташкилотчилар билан мустаҳкамлаш чораларини кўрдик. Партия ташкилотлари омма орасида олиб борилаётган ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг савиясини оширмоқдалар. Республикада сув камчил районларни сув билан таъминлаш соҳасида катта тадбирлар ўтказилмоқда, суғориладиган ерларнинг мелиорация ҳолати яхшиланмоқда, бу йил экинлардан мўл ҳосил олиш учун зарур шароит вужудга келтирилмоқда.

Пахта терими чўзилиб кетганлигига қарамай, колхозлар ва совхозлар баҳорда экин экиладиган майдонларнинг деярли ҳаммасини кузда шудгор қилиб қўйишга муваффақ бўлдилар. Ерларнинг шўрини ювиш ва яхоб бериш авж олдириб юборилди, ирригация-мелиорация шохобчалари тозаланмоқда ва бошқа кузги-қишки ишлар бажарилмоқда.

Республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг пахтачиликни комплекс механизациялаш ҳаётий аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида неча марталаб берган кўрсатмалари нақадар доно ва узоқни кўриб берилган кўрсатмалар эканлигини айниқса чуқур пайқаб олдилар. Ўтган йил республикада чигитни квадрат-уялаб экиш юзасидан олинган мажбуриятлар анча ошириб бажарилди; шу прогрессив усул билан 964 минг гектар ерга чигит экилди, шу жумладан чигитни белгиланган миқдорда ташлайдиган сеялкалар билан 50 минг гектардан кўпроқ ерга чигит экилди. 1 миллион 200 минг гектар ердаги ёки бутун пахта майдонининг 90 процентидаги ғўзалар механизмлар билан икки томонлама ишланди, шу жумладан 1 миллион гектар ердаги ғўзаларга кетмонсиз ишлов берилди.

Республикамизда пахта териш техникаси консерваторларнинг тўсиқларини енгиб, кенг йўлга чиқиб олганлиги қувонарли бир ҳолдир. Одамларнинг фикрида, уларнинг машинага бўлган муносабатида чинакам революция рўй берди. Пахта териш техникасига ҳамма тан берди ва у, ҳаммага манзур бўлиб қолди. Пахта тайёрлаш қизғин бораётган пайтда республика далаларида ишга тушган 8 мингга яқин машина ҳар кун 250-300 минг теримчининг ишини бажариб, 12-13 минг тонна пахта териб бериб турганидан кейин, бунақа азамат машиналарни севмай бўладими, ахир. КПСС Марказий Комитетининг Пленумига хурсанд бўлиб шуни айтишимиз керакки, машиналар билан 500 минг тонна пахта териб берамиз, деб олган мажбуриятимиз ошириб бажарилди. **(Қарсаклар).**

Кўп колхозлар ва совхозлар пахтани машина билан териш, копқанорсиз ташиш, марказлаштирилган тартибда қуритиш ва тозалашдан иборат поток усулини муваффақиятли қўлландилар. Республикада мана шундай прогрессив усул билан 170 минг тоннадан кўпроқ пахта териб ва ташиб олинди. бу эса сарфланаётган меҳнатни анча кисқартиришга ва дастлабки маълумотларга қараганда, ўн миллион сўмдан кўпроқ маблағни тежашга имкон берди.

Эндиликда Ўзбекистонда пахтани машинада териш билан шуғулланмаётган битта ҳам колхоз ва совхоз йўқ. «Малик» совхози деярли бутун пахта майдонидаги ҳосилни машинада териб олди. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», «Норин», «Совой», «Хазорбоғ», «Чимбой» совхозлари, Ҳамза Ҳакимзода номли, шунингдек кўпгина колхозлар ҳосилнинг катта қисмини машинада териб олдилар.

Шу жиҳатдан қараганда, Пахтакор районидаги «Коммунизм» колхози айниқса характерлидир. Бу колхоз етти йилликнинг биринчи йилида ҳосилнинг 15 процентинигина машинада териб олган бўлса, 1960 йилда 80 процентини машинада териб топширди. Бу колхозда ҳамма бригадалар пахтани машиналарда тердилар ва машинада терилган пахтанинг ҳаммасини коп-қанорсиз ташидилар. Шуни айтиш керакки, ўтган йил бу колхозда шароит ғоят қийин бўлди. 2.045 гектар пахта майдонининг 1.520 гектарига чигит бир марта қайта экилди, 912 гектар ерга чигит иккинчи марта ва 890 гектар ерга чигит учинчи марта қайта экилди. Колхоз комплекс механизацияни кенг қўлланганлиги натижасидагина, ҳамма қийинчиликларга қарамай, мўл ҳосил етиштиришга, уни ўз вақтида териб олиб, пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажаришга эришди.

КПСС Марказий Комитетининг 1959 йилдаги декабрь Пленуми бўлаётган кунларда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлган донгдор механизаторларимиз Турсуной Охунова, Валентин Тюпко, Меликўзи Умрзоқов ўтган йил янги муваффақиятларга эришдилар. Турсуной Охунова машинада 322 тонна пахта териб топширди. **(Қарсаклар).** Меликўзи Умрзоқов 314 тонна пахтани машинада терди. Валентин Тюпко бошчилигидаги комплекс механизация бригадаси ўзи етиштирган ҳосилнинг ҳаммасини машиналарда териб топширди.

Механизаторларнинг сафлари пахтани машинада теришга иштиёқ билан киришган шонли ёшларимиз билан янада кўпайганлиги ўтган йилнинг ажойиб воқеаси бўлди.

Ўз дугонаси Турсунойнинг ҳимматли намунасидан руҳланган энг яхши теримчи қизларимиз механизаторлик касбини эгаллаб, пахта териш машинасида ишлашга қарор қилдилар. Республика партия ташкилоти бу ватанпарварлик ҳаракатга бошчилик қилди. Ўтган йил бир минг бир юздан кўпроқ қизлар пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари бўлиб олдилар. Уларнинг кўплари далаларда шавкатли меҳнат намуналарини кўрсатдилар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ойим Камолова ва Лола Қурбоноваларнинг ҳар қайсиси машинада 250 тоннадан «оқ олтин» териб топширдилар, Роҳилахон Бобораҳимова 243 тонна, Матлуба Назарова 223 тонна, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ободон Дўсова 220 тонна, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мўттихон Жумабоева 218 тонна, Башорат Тоштемирова ва Эътибор Набиеваларнинг ҳар қайсиси 206 тоннадан, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова ва Обида Ҳамроеваларнинг ҳар қайсиси 203 тоннадан, Мария Ковалева, Люба Шокирова ва Мая Нам — ҳар қайсиси 200 тоннадан, Зинаида Почтарёва 130 тоннага яқин пахтани машинада териб топширдилар.

Никита Сергеевич Хрушчевнинг Турсуной Охуновага чин кўнгилдан юборган самимий табригини Ўзбекистоннинг ҳамма механизаторлари ўз меҳнатларига берилган юксак баҳо деб ва терим ишларини машиналаштириш учун курашда янги муваффақиятларга чақирувчи даъват, деб қабул қилдилар.

Сиз, Никита Сергеевич, «пахтани қўлда териш тарафдори бўлган кишилар хотин-қизларга нисбатан бойларча қарашдан ҳали халос бўлган эмаслар», деб жуда тўғри кўрсатдингиз.

Биз машинага консерватив муносабатда бўлишга қарши бундан буён ҳам зўр бериб кураша берамиз, машинада теришни тўхтовсиз авж олдира берамиз ва пахтакорларни, биринчи навбатда хотин-қизларимизни яқин йиллар ичида қўл меҳнатидан озод қилишга эришамиз.

Республика партия ташкилоти комплекс механизацияни жорий қилишга қаратилган қатъий йўл тутганлиги кўп областлар, районлар, колхозлар, совхозларнинг ўтган йил шароитида ҳам яхши ҳосил етиштиришларига ёрдам берди. Масалан, Андижон ва Хоразм областларининг пахтакорлари бир миллион гектарнинг учдан бир қисмига тенг майдоннинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 26-27 центнердан пахта олдилар. Сариосиё, Денов, Янгиариқ, Ленин, Чинобод, Қўшкўпир районлари ҳар бир гектардан 30 центнер ва ундан ҳам ошириб пахта етиштирдилар.

Поп районидаги Жданов номли, Ленин районидаги «Правда Востока», Наманган районидаги «Ленинград», Янгиқўрғон районидаги «Москва», Янгиариқ районидаги Нариманов номли, Чироқчи районидаги «Коммуна», Қоракўл районидаги «Октябрь» колхозлари ва бошқа колхозлар ҳар гектардан 35-40 центнер ва ундан ҳам ошириб пахта ҳосили олдилар. Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози ҳар бир гектардан 44 центнердан ҳосил топширди.

Шовот районининг «Москва» колхозидаги Йўлдош Душамов бригадаси ҳар бир гектардан 50 центнердан пахта етиштирди ва топширди. Чироқчи районининг «Коммуна» колхозидаги Абди Йўлдошев бригадаси ва Поп районидаги Ленин номли колхозда Умар Ҳайитов бригадаси 57 центнердан. Пискент районидаги Тельман номли колхознинг Ҳаким Қодиров бригадаси 63 центнердан, Қоракўл районининг «Октябрь» колхозидаги Шарофат Баракаева бригадаси ҳар гектардан 71 центнердан ҳосил олдилар. **(Қарсаклар).**

Комплекс механизацияни анча кенг қўлланиш туфайли қўлга киритилган иқтисодий натижа кўп колхозлар ва совхозларга алоҳида об-ҳаво шароити сабабли қилган қўшимча ишларга сарф бўлган харажатни қоплаш билан бирга, ҳар бир центнер пахтанинг таннархини янада камайтиришни таъминлаш имконини ҳам берди. Масалан, Поп районидаги «Правда» колхозида ҳар бир центнер пахтанинг таннархи нархларнинг янги миқёси билан ҳисоблаганда 12 сўм 30 тийинга, Қўшкўпир районидаги Охунбобоев номли колхозда 11 сўм 80 тийинга, Жиззах районидаги «Москва» колхозида 11 сўм 30 тийинга тушди.

Республикада комплекс механизация трактор-далачилик бригадаларининг сони 1959 йилдаги беш мингтадан ўтган йил тўққиз мингтага етди. Бу бригадалар айниқса яхши иқтисодий кўрсаткичларга эришдилар. Деярли бутун ҳосилни машиналар билан териб олган Ҳаким Қурбонов бригадасида (Самарқанд областидаги «Коммунизм» колхози) ҳар бир центнер пахтанинг таннархи 9 сўм 70 тийинга тушди. Давлатга 618 тонна пахта топширган, шу пахтанинг 90 процентини машинада терган Жавод Кучиев бригадасида (Тошкент областидаги «Малик» совхози) пахтанинг ҳар бир центнери, атиги 7 сўм 50 тийинга тушди. Комплекс механизациялашган трактор-далачилик бригадалари пахтачилигимизнинг келажагидир. **(Қарсаклар).**

Совет пахтачилигини комплекс механизациялаш учун катта масъулиятни ўз зиммасига олган республикамизнинг ишчилар синфи етти йилликнинг иккинчи йилида жуда яхши ишлади. Ўзбекистон кимёгарлари пландан ташқари 45 минг тоннадан кўпроқ минерал ўғит бердилар. «Ташсельмаш» заводи «ХВС-1-2» маркали янги терим машиналари чиқаришни анча кўпайтирди. Бу заводда 1959 йилда шундай машиналардан 486 та ишлаб чиқарилган бўлса, 1960 йилда 3.180 та, қарийб етти баравар кўп ишлаб чиқарилди. Завод пахта териш машиналарини ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан олдин бажарди ва пландан ташқари 530 та агрегат берди.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида Н. С. Хрушчев белгиланган миқдорда чигит экиш прогрессив метод эканлигига ва бу методни пахтачиликда жорий қилишга катта эътибор берди. Ўтган йил «Узбексельмаш» заводи чигитни белгиланган миқдорда экадиган сеялкалар ишлаб чиқаришни ўзлаштириб, шундай сеялкалардан 4.660 тасини, шу жумладан пландан ташқари 1360 та сеялка ишлаб чиқарди. Мамлакатнинг пахтакор республикаларини қишлоқ хўжалик машиналари ва шу машиналар учун запас қисмлар билан таъминлаш соҳасида 1960 йилги топшириқни биз муддатидан олдин бажардик.

Ўртоқлар! Ўзбекистон меҳнаткашлари мамлакатни пахта билан таъминлаш учун ўз зиммаларидаги масъулият ошганлигини яхши тушуниб, маълумки, пахта етиштириш соҳасида етти йилликнинг охирги йилига мўлжалланган миқдорга бир йил олдин эришиш мажбуриятини олдилар. Бу реал ишдир.

Ҳозир республиканинг ҳамма колхозлари ва совхозларида йилнинг якунлари тўпланмоқда ҳамда пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада юксалтирмоқ учун резервлардан тағин ҳам тўлиқ фойдаланиш йўллари белгиланмоқда. Бу ишда партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг, Н. С. Хрушчевнинг хўжаликни юксак даражада малакали, интенсив равишда олиб бориш зарур, деган кўрсатмаларига амал қилмоқдалар. Хўжаликни бундай усулда олиб бориш ернинг ҳар бир гектаридан, сарфланган меҳнатнинг ҳар бир единицасидан энг кўп миқдорда маҳсулот олишга имкон беради. Ўзбекистон пахтакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, 1961 йилда Ватанга 3 миллион 200 минг тонна пахта беришга қарор қилдилар.

Қолоқ колхозлар ва совхозларни ўрта ва илғор колхозлар ва совхозлар даражасига қатъиян етказиб олиш, ҳамма хўжаликларда ҳосилдорликни янада ошириш ва экин майдонларини кенгайтириш пахта етиштиришни кўпайтиришдаги асосий резервларимиз бўлиб қолмоқда. Деҳқончилик маданиятини ошириш, мелиорация ишларини кенг миқёсда ўтказиш йўли билан ернинг унумдорлигини яхшилаш, ҳамма хўжаликларда пахта, беда ва маккажўхори экишдан иборат алмашлаб экишларни ўзлаштириш, гўнг ва бошқа маҳаллий ўғитлардан энг кўп даражада фойдаланиш ва комплекс механизациялаш асосида агротехниканинг прогрессив усулларини тағин ҳам кенг қўлланишни пахтанинг ҳосилдорлигини оширишнинг асосий йўллари деб биламиз. Суғориладиган ерларни асосан пахта, шунингдек шоли ва бошқа экинлар экиш учун кўпайтириш соҳасида республикамизнинг катта имкониятлари бор.

Халқнинг Мирзачўлни ўзлаштириш тўғрисида асрлардан бери қилиб келган орзуси улуғ Лениннинг васиятига биноан, партиянинг иродаси билан, совет ватанпарварларнинг фидокорона меҳнати билан рўёбга чиқмоқда. Яқин вақтгача ҳам чўл-биёбон бўлган бу ерлар мамлакатда энг катта пахтачилик районларидан бири бўлиб қолмоқда. Мирзачўлда бир миллион гектардан кўпроқ ерни суғориш учун, шу жумладан Ўзбекистон территориясида 650 минг гектар ерни суғориш учун реал имконият бор. бу ерлардан бир миллион тоннага яқин пахта ва бошқа кўпгина қишлоқ хўжалик маҳсулоти олиш мумкин.

Шуни айтиш керакки, Мирзачўлни ўзлаштиришга сарфланаётган маблағлар уни ўзлаштириш жараёнида қопланмоқда. Кейинги тўрт йил ичида давлат томонидан сарфланган 130 миллион сўм (нархларнинг янги миқёси билан ҳисоблаганда) маблағ ҳозир ўзлаштирилган қўриқ ерларда етиштирилган пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотидан олинган даромадлар билан тўла равишда қопланмоқда.

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетига, жонажон Совет ҳукуматига, Никита Сергеевич Хрушчевга Мирзачўлни ўзлаштиришда кўрсатган жуда катта ёрдамлари учун чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирадилар. **(Қарсаклар).** Биз бутун Мирзачўлни фаровонлик ўлкасига, халқ бахт-саодатининг манбаига айлантирмоқ учун куч ва ғайратимизни аямаймиз.

Қўриқ ерларга тағин ҳам кенг фронт бўйлаб ҳужум қилмоқ учун ҳозирнинг ўзидаёқ Мирзачўлда мустаҳкам моддий-техника базаси бор. Энг муҳим алоқа йўллари, қурилиш индустриясининг замонавий корхоналари қурилди. Жанубий каналнинг секундига 300 кубметр сув ўтказа оладиган 92 километрлик биринчи навбатдаги қисми қурилиб бўлди, катта пахтачилик совхозлари ташкил этилмоқда. Мирзачўл ерларини ўзлаштиришни шу етти йилликнинг ўзидаёқ асосан тугалламоқ учун шарт-шароит вужудга келтирилмоқда.

Биз етти йилликда Мирзачўл ерларидан ташқари Фарғона ва Зарафшон водийларида, республиканинг ғарби-жанубий районларида, Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзасида ва Амударё этакларида ҳам 500 минг гектарга яқин янги ерларни ўзлаштиришни мўлжаллаб қўйдик.

Қарши дашти суғориладиган ер майдонларини янада кўпайтиришнинг катта резервидир. Амударё-Бухоро каналини қуриш, Норак гидроэлектростанциясининг электр энергиясидан фойдаланиш бу даштда бир миллион-бир миллион икки юз минг гектар ерни суғоришга имкон беради. Н. С. Хрушчевнинг кўрсатмаларига амал қилиб, шу ерларни ўзлаштириш вақтида, биринчи навбатда, пахтани кўпроқ экишни мўлжалламоқдамиз. Бу районнинг қулай тупроқ-иқлим шароитлари ишларни комплекс механизациялаш ҳамда ўғитлар ва кимёвий воситалардан кенг фойдаланиш йўли билан муттасил мўл ҳосил ва арзон маҳсулот олишни таъминлайди. Қарши даштини ўзлаштириш ҳар йил бир миллион етти юз минг тоннага яқин пахта ва бошқа кўпгина маҳсулот олишга ҳамда жамоат чорвачилигини ривожлантиришга имконият беради. Ўзининг сатҳи жиҳатидан Фарғона водийсидан кенг бўлган бу район мамлакатнинг яна бир йирик пахтачилик райони бўлиб қолади. Қорақалпоғистон Автоном Республикасида ўзлаштирилмаган ерлар кўп. Амударёда Тахиатош ва Туямўйин гидроузелларини қуриш йўли билан дарё сувининг оқишини режага солиб туриш ва қўшимча равишда бир миллион-бир миллион бир юз минг гектар ерни суғориш мумкин, бу эса, Қорақалпоғистоннинг жанубий районларида йилига қўшимча равишда 400-450 минг тонна пахта олишга ва унинг пахта етилиб улгурмайдиган шимолий қисмида шоли экиб 150 миллион пудга яқин ҳосил олишга имконият беради. Шундай қилиб, Н. С. Хрушчев томонидан бизнинг олдимизга қўйилган иккита катта вазифа — пахта етиштиришни янада кескин равишда кўпайтириш ва шоликорликни ривожлантириш вазифаси бир йўла ҳал қилинади. Кўп хўжаликларнинг шолидан муттасил мўл ҳосил олиш соҳасида маълум тажрибалари бор. Масалан, Тошкент областидаги «Полярная звезда» колхози ҳар йил ҳар бир гектардан 45 центнердан шоли олмоқда. Хоразм областидаги Сталин номли колхоз кейинги икки йил ичида 1.147 гектар ернинг ҳар бир гектаридан 72-73 центнердан шоли олмоқда. Сурхондарё областидаги «Искра» колхози шолини қалин қилиб экиб, ҳар бир гектардан 103 центнердан ҳосил олди.

Биз суғориладиган ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш, янги совхозлар ташкил этиш ва борларини мустаҳкамлаш соҳасида катта ишлар қилишимиз керак. Мана шу таклифларнинг ҳаммасини биз билан биргаликда кўриб чиқиб, КПСС Марказий Комитетига ва ССР Иттифоқи Министрлар Советига тақдим қилишни СССР Давлат план комиссиясига, Давлат иқтисодий кенгашига топширишни илтимос қиламиз.

Ўзбекистон партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг ёрдами билан бундан буён ҳам пахтачиликда техникани тараққий эттириш йўлидан дадил бораверади. Етти йилликнинг учинчи йилида квадрат-уялаб экадиган сеялкалар билан бир миллион 50 минг гектар ерга чигит экмоқчимиз, шу жумладан 250 минг гектар ерга

(Давоми учинчи бетда)

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми

(Боши иккинчи бетда)

чигитни белгиланган миқдорда экадиган сеялкалар билан чигит экмоқчимиз. 1 миллион 200 минг гектар ердаги ғўза асосан кетмонсиз, икки томонлама парвариш қилинади. Камида 600 минг тонна пахтани машиналарда териб оламиз.

Пахтачиликни ривожлантиришдаги янги босқич комплекс механизацияни тугаллаш, техникани тинимсиз такомиллаштириб бориш ва тағин ҳам прогрессив, тежамли технологияни жорий қилиш билан боғлиқ бўлган бир қанча масалаларни тезроқ ҳал қилишни талаб этади.

Биз суғориладиган деҳқончилик районларида меҳнатни жуда кўп талаб қиладиган иш бўлган суғоришни механизациялаштириш вазифасини кечиктирмай ҳал қилишимиз керак. Шу муносабат билан пахтачиликка пластмассадан ясалган енгил, пишиқ ва арзон қувурлар тайёрлаб бериш жуда муҳим вазифадир.

Ғўзаларни парвариш қилиш ва пахтани териб олишда қўл меҳнатига батамом барҳам бериш учун ҳозирги вақтда механизация имкониятларини кимёнинг имкониятлари билан бирга қўшиш зарур. Тўппа-тўғри шуни айтиш керакки, бизда гербицидларнинг йўқлиги, ғўза баргини тўктириб юборадиган яхши дефолиантларнинг ва десикантларнинг етарли эмаслиги пахтачиликни комплекс механизациялашни тезроқ тугаллашга тўсқин бўлиб қолмоқда. Пахтакор республикаларнинг яхши натижа берадиган гербицидлар ва дефолиантларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондирмоқ учун бу моддаларни ишлаб чиқаришни тезроқ ўзлаштириш ва кенгайтириш керак.

КПСС Марказий Комитети, шахсан Н. С. Хрушчев техника тараққиётига жуда катта эътибор бераётганликлари туфайли, ҳозир биз пахтачиликдаги асосий ишларнинг ҳаммасини: тупроқни экиш олдидан тайёрлаш, чигит экиш, экинларни парвариш қилиш, ўғит солиш, қишлоқ хўжалик зараркунандалари билан кураш, чеканка ва пахтани териб олиш ишларини машиналаштиришга имкон берадиган хилма-хил машиналарга эга бўлиб қолдик.

Конструкторларимиз техниканинг янги намуналарини такомиллаштириш ва яратиш устида самарали ишларини давом эттирмоқдалар. Ҳозирги вақтда шундай культиватор яратилмоқдаки, у бир ўтишда ғўза қатор ораларини узунасига ва кўндалангига культивация қила беради. Бундай культиватор уяларнинг оралиғини камроқ қолдириб, чигитни уялаб экишга ва шу тариқа ғўза тупларининг қалинлигини кўпайтиришга имконият беради.

Бизда пахта териш машинасининг тажриба учун яратилган шундай намунаси борки, у, пахтани деярли ерга тўкмай териб беради. Бизда очилмаган ва чала очилган кўсакларни териб, айни вақтда кўсакларнинг ичидаги пахтани суғириб оладиган машина, шунингдек ғўзапояни юлиб олиб, пресслаб берадиган агрегат ҳам бор. Шу машиналарни ишлатиш меҳнат ва маблағларни жуда кўп миқдорда тежашни таъминлайди.

Пахтачилик учун керакли машиналарни ҳамда шу машиналарга керакли запас қисмларни ишлаб чиқаришни янги корхоналар қуриш йўли билан кескин кўпайтириш пайти келди.

Пахтани машинада теришда бажариладиган кўмакчи ишларда қўл меҳнатини сиқиб чиқармоқ учун пахтани поток усулида териш ва қоп-қанорсиз ташишни кенг жорий қилишнинг ғоят катта аҳамияти бор. Пахтани машинада териш билан боғлиқ бўлган ишларнинг ҳаммасининг шундай прогрессив метод билан бажарилиши ғоят муҳим вазифадир. Бунинг учун пахта тайёрлаш пунктларининг ҳаммасида қуритиш-тозалаш цехлари қуриш, бу цехларни пахтани қабул қилиб-узатиб берадиган аппаратлар билан ускуналаш, машинада терилган пахтани қабул қилиб олиш учун поток методини ҳисобга олиб, янги техника шартларини жорий қилиш керак. Пахта териш техникасини етказиб беришни бундан буён пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун керакли махсус прицепларни етарли миқдорда етказиб бериш билан қўшиб планлаштирилса, яхши иш қилинган бўлур эди.

Колхозлар ва совхозларни ҳайдов тракторлари билан, шунингдек ер қазиш-мелиорация техникаси билан етарли миқдорда таъминлаш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир, чунки ерни яхшилаб текислаш суғориладиган деҳқончилик юксак маданиятининг негизидир.

Ҳозир биз селекция ва уруғчилик соҳасидаги ишларни жиддий яхшилаш учун ҳамма чораларни кўрмоқдамиз. Шу масалаларнинг ҳаммасини ижобий ҳал қилиш пахтачиликни янада кескин юксалтириш учун тағин ҳам яхшироқ шароит вужудга келтиради.

Ўртоқлар! Республика партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг кўрсатмаларига амал қилиб, қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантирмоқ учун, қолоқ тармоқларни қолоқликдан чиқармоқ учун амалий чоралар кўрди ва бу соҳада ижобий натижаларга эришди.

Луб экинлари ҳосилини етиштиришни кўпайтириш вазифаси муваффақиятли ҳал қилинмоқда. 1960 йилда республика давлатга 212 минг тонна каноп ва жут пояси етказиб берди. Демак, каноп ва жут пояси контроль рақамларда етти йилликнинг охирига мўлжалланган миқдордан 72 минг тонна кўп етказиб берилди.

Сиз, Никита Сергеевич, мамлакатнинг қимматли хомашё — каноп ва жутга бўлган эҳтиёжини тўла қондирмоқ учун республикамизда шу экинлар ҳосилини етиштиришни янада кўпайтириш масаласини кўриб чиқишни бизга топширган эдингиз. Биз ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, луб экинлар поясини етиштиришни 1965 йилда 420 минг тоннага етказишга қарор қилдик. Бинобарин, Ўзбекистон етти йилликнинг қолган беш йили мобайнида мамлакатга етти йиллик планда кўзда тутилган 600-700 минг тонна ўрнига 1.500-1.700 минг тонна луб экинлар поясини етказиб беради.

Н. С. Хрушчев. Бу ҳосилни шоликорликка ярайдиган ерлардан олмоқчимисиз?

Ш. Р. Рашидов. Ҳа.

Н. С. Хрушчев. Қайси биридан манфаат кўпроқ — шолиданми ёки луб экинлариданми? Сизлар буни ҳисоблаб чиқдингларми?

Ш. Р. Рашидов. Биз буни ҳисоблаб чиқиб, кейин айтамиз.

Н. С. Хрушчев. Қайси хил экинларни экиш кўпроқ натижа беришини ҳамма вақт таққослаб кўриш, қайсинисидан кўпроқ манфаат бўлишини ҳисоблаб чиқиш ва кўпроқ манфаат берадиган экинни экиш керак.

Ш. Р. Рашидов. Яхши, биз шундай қиламиз.

Пиллачиликни ривожлантириш юзасидан олган мажбуриятимиз бажарилди: 1959 йилдагига қараганда 1.500 центнер кўп пилла етиштирилди. Бу йил республика мамлакатга 14.660 тонна пилла беради.

Тўрт минг тоннага яқин тамаки етиштирдик. Бу йил эса, тамаки ҳосилини 4.600 тоннага етказамиз.

Республикада баҳорда қорасовуқлар бўлганлиги сабабли, эртанги сабзавотнинг ва эртапишар мевалар ҳосилининг бир қисми нобуд бўлганлигига қарамай, давлатга сабзавот, мева ва узум сотиш мажбуриятларимиз ошириб бажарилди. Давлатга 1959 йилдагига қараганда 36 минг тонна сабзавот, 32 минг тонна полиз маҳсулотлари, 25 минг тонна мева ва узум кўп сотилди. Шу маҳсулотлар умумиттифоқ фондига 1959 йилдагига қараганда, анча кўп етказиб берилди.

Бироқ, сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка, мева ва узум етиштиришнинг даражаси ҳали ҳам асло етарли эмас. Партия ташкилоти республика аҳолисининг шу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини тўла қондирибгина қолмасдан, шу билан бирга, москвалик, ленинградлик, сибирлик қардошларимизни, мамлакатнинг бошқа саноат марказларидаги меҳнаткашларни таъминламоқ учун ҳам шу маҳсулотларни умумиттифоқ фондига кўпроқ миқдорда етказиб беришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқди ва амалга оширмоқда. Бу йил биз 600 минг тонна сабзавот, 360 минг тонна картошка, 600 минг тонна полиз маҳсулотлари, 312 минг тонна мева ва узум етиштирамиз.

Республикада чорвачилик соҳасида тузуккина силжишлар бор. Колхозлар ва совхозлар ўтган йилдагига нисбатан гўшт етиштиришни 37 процент, сут етиштиришни 17 процент, тухум етиштиришни 32 процент кўпайтирдилар, жун ва қоракўл терини анча кўп етиштириб бердилар, шу билан бирга, маҳсулот таннархини камайтирдилар.

Давлатга 1959 йилдагига қараганда 1,6 баравар кўп гўшт сотилди. Тошкент, Фарғона, Бухоро областлари, Қорақалпоғистон автоном республикаси, 55 район чорва моллар сонини анча кўпайтирганлари ҳолда, гўшт сотиш юзасидан олган ўз мажбуриятларини тўла ва ошириб бажардилар. Республика 283 минг тонна ёки 1959 йилдагига қараганда 1,3 баравар кўп сут сотди. Колхозлар ва совхозларда қорамоллар 18 процент, шу жумладан сигирлар 17 процент; чўчқалар 29 процент кўпайди; қўйлар, эчкилар ва паррандалар сони ҳам кўпайди.

Чорвачиликни юксалтириш мусобақасида ажойиб кадрлар ўсиб етишди, донгдор новаторлар етишиб чиқди. Ўзбекистон меҳнаткашлари Н. С. Хрушчевнинг республикамиздаги машҳур чўчқабоқар Жўра Султоновга юборган табригини жуда хурсанд бўлиб кутиб олдилар. Жўра Султонов ўз меҳнатига партия ва ҳукуматнинг юксак баҳо берганлигига жавобан қўшимча мажбурият олди ва йил охиригача давлатга 1.585 центнер чўчқа гўшти топширди. У, 1961 йилда 2.500 центнер чўчқа гўшти етказиб бериш мажбуриятини олди. Леонид Мазуренко, Берди Худойқулов, Мария Бунина, Николай Ким, Елизавета Яроцкая, Қўчқор Маматов, Яков Кириллов ва бошқа чўчқабоқарлар давлатга 1000-1300 центнердан ва ундан ҳам кўпроқ арзон чўчқа гўшти топширдилар.

Ҳар бир сигирдан 2.500-3.000 килограмм сут соғиб олган соғувчилар бизда бундан беш-олти йил муқаддам бармоқ билан санарли эди. Энди бундай соғувчилар юзлаб ҳисобланади. Зуҳра Комилова, Бўриниса Исҳоқова, Роза Квон, Азиза Кенжаева, Майхонча Сайфиддинова ва бошқа кўпгина соғувчилар ҳар бир сигирдан ўрта ҳисобда 5-6 минг килограммдан сут соғиб олдилар.

Республика ўзининг энг яхши қоракўлчи чўпонлари билан ҳақли равишда фахрланади. Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жабай Балимонов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Латиф Зарипов, Хўжааҳмад Турғунбоев, Ҳамид Эргашев, чўпонлардан Толли Қодиров, Тўй Қораев, Равшан Саидов ва бошқа кўпгина чўпонлар ўтган йил ҳар 100 совлиқдан 150-180 қўзи олдилар, Аширмат Эштоев эса қўйларни кўп марталаб қўзилатиш усулини жорий қилиб, ҳар 100 совлиқдан 250 та қўзи олди.

Республика колхозлари ва совхозлари КПСС Марказий Комитети пленумларининг кўрсатмаларини ва Н. С. Хрушчевнинг маслаҳатларини амалга ошириб, чорвачиликнинг мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш мақсадида маккажўхори экишни анча кенгайтирдилар. Мамлакатнинг донгдор механизаторлари Мануковский, Гиталов ўртоқларнинг ва илғор жўхорикорларимиздан Очил Мўминов, Мадраим Жуманазаров ўртоқларнинг тажрибаларига асосланиб, биз юзлаб махсус комплекс механизация трактор-далачилик бригадалари туздик, бу бригадаларнинг кўплари маккажўхорини йилига икки марта экиб, ҳосил олмоқдалар.

Масалан, Юқори Чирчиқ районининг колхозлари ва совхозлари маккажўхорини думбуллигида ўриб, унинг ҳар бир гектаридан 1.077 центнердан ҳосил олдилар ва ҳар бир сигир учун 31 тоннадан силос бостириб қўйдилар. Шу райондаги «Политотдел» ва «Правда» колхозлари маккажўхорининг ҳар бир гектаридан 1.700-1.800 центнердан кўк поя ва 90 центнердан дон олдилар, «Политотдел» колхозидаги Люба Ли бригадаси эса 206 гектар ернинг ҳар бир гектаридан 1.840 центнердан кўкпоя ва думбул сўта олди. Бундайлар оз эмас.

Мана шуларнинг ҳаммаси силос бостириш юзасидан олган мажбуриятларимизни тўла бажаришгина эмас, ҳатто, ошириб бажаришга ҳам имконият берди. Ўтган йил республикада 4 миллион 730 минг тоннадан зиёдроқ, яъни 1959 йилдагига қараганда, 2 миллион 102 минг тонна кўп, ёки ҳар бир сигир учун 15 тоннадан силос бостириб қўйилди. Республика биринчи марта мана шундай кўп миқдорда ширали озуқа тайёрлаб қўйди. Бундан ташқари, 4 миллион 200 минг тоннадан кўпроқ хашак тайёрланди.

Ўзбекистон партия ташкилоти бу қилинган ишлар жамоат чорвачилигини юксалтиришда эришилган дастлабки натижаларгина эканлигини яхши билади. Бизда камчиликлар оз эмас, фойдаланилмасдан ётган бир талай резервларимиз бор. Бир қанча колхоз ва совхозларда жамоат чорва молларини урчитиб кўпайтириш ҳали ҳам қониқарсиз аҳволда. Урғочи моллар, айниқса сигирларнинг кўпайиши суст. Молларнинг нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда, чорваларни яйловда ва қўлда боқиб семиртириш яхши ташкил этилмаган, сигирлардан соғиб олинаётган сутнинг миқдори кам.

Чорвачилик маҳсулдорлигининг пастлигига асосий сабаблардан бири шуки, чорва моллар зотини яхшилаш ишлари етарли эмас; зоотехниканинг илғор усулларини қўлланишда гарчи биз бирмунча ижобий натижаларга эришган бўлсак ҳам, аммо, бу иш ҳозирги замон талабларига ҳали ҳам унчалик жавоб берарли даражада эмас. Биз чорвачилик маҳсулотини етиштиришда сарфланадиган меҳнат ва пул харажатларини янада камайтириш ва чорвачилик маҳсулотининг таннархини пасайтириш учун ҳам ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Умуман республикада ем-хашак етиштириш бирмунча яхшиланган бўлса ҳам, лекин кўп хўжаликларда ем-хашакка эҳтиёж ҳали катта. Бунинг катта сабаби шуки, маккажўхори ва беданинг ҳосили паст. Колхозлар ва совхозларнинг катта кўпчилигида маккажўхоридан йилига икки марта ҳосил олиш реал вазифа бўлса ҳам, лекин бу вазифа шу вақтгача ҳал қилингани йўқ. Ҳозир партия ташкилоти чорвачилик соҳасидаги мана шу ва бошқа камчиликларни йўқотиш устида зўр бериб ишламоқда.

Чорвачилик маҳсулотларини тайёрлашда алдаш ва кўзбўямачилик сингари айрим шармандали фактлар бизда ҳам содир бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети давлат манфаатларига зид бўлган бундай ҳодисаларнинг пайини қирқиш ва бундан буён уларнинг такрорланишига йўл қўймаслик учун қатъий чоралар кўрди.

Ем-хашак базасини мустаҳкамлай беришни, чорва молларини урчитиб кўпайтириш йўли билан жамоат чорва моллари сонини кескин кўпайтиришни, чорвачиликнинг маҳсулдорлигини оширишни бундан буён ҳам ўзимизнинг вазифамиз, деб биламиз.

Республика колхозлари ва совхозлари чорвачилик маҳсулотининг ҳамма турларини етиштиришни ва давлатга сотишни бу йил анча кўпайтириш: 155 минг тонна гўшт, 315 минг тонна сут, 84 миллион дона тухум, 22 минг тонна жун, бир неча юз минг дона қоракўл териси етиштириб давлатга сотиш мажбуриятини олдилар.

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитетининг ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги соҳасида кейинги йилларда амалга оширилган катта тадбирлар республика колхозларининг жамоат бойлигини янада кўпайтиришни таъминлади. Улар ишлаб чиқариш биноларини қуришга, аҳоли яшайдиган жойларни обод қилишга, колхозчиларга янги уйлар қуриб беришга катта-катта маблағлар сарфламоқдалар.

Колхозлараро бирлашмалар янада ривожланмоқда. Биз янги ерларни ўзлаштириш, хўжаликлар ичидаги ирригация шохобчаларини қайта қуриш соҳасида колхозларнинг бир-бирлари билан боғланиб ишлашларига алоҳида эътибор бермоқдамиз. Ҳозир Ўзбекистонда 80 тадан кўпроқ колхозлараро қурилиш ташкилотлари бор. Ҳамма районларда шундай ташкилотлар тузиш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун ҳозир чоралар кўрилмоқда.

Бизда қишлоқлардаги қурилиш янги босқичга қадам қўймоқда. Н. С. Хрушчевнинг маслаҳати билан биз қишлоқларда йирик панеллардан кўп қаватли ва кўп квартирали уйлар қуришга ўтмоқдамиз. Бундай уйларда ҳамма қулайликлар — газ, электр, водопровод, канализация бўлади. Бунинг учун Мирзачўлда катта комбинат қурилди. Бу комбинат ишлаб чиқараётган гипсолит плиталар, силикальцит ва керамзит бетон буюмлар ҳар йил 250 минг квадрат метр уй-жой қуришга имкон беради. Бундан ташқари, Мирзачўлда йирик панелли уйлар тайёрлаб берадиган завод қурилади.

Қишлоқ бинокорлари қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини муддатидан олдин бажариб, бу ишларнинг ҳажмини аввалги йилдагига нисбатан 1,7 баравар кўпайтирдилар.

Ўтган йил республиканинг кўп қишлоқ хўжалик артелларида колхоз ички хўжалик ҳисоби жорий қилинди, колхозларнинг 70 процентидан кўпроғи меҳнатга бевосита пул билан ҳақ тўлашга ўтди. Бу эса, пахтанинг таннархини ва чорвачилик маҳсулотларининг таннархини камайтиришга, шунингдек колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга анча ёрдам берди.

Ўзбекистон партия ташкилотлари меҳнаткашлар маданий-маиший турмуш шароитини янада яхшилаш соҳасида айрим ишлар қилдилар. Мактабларимизни бир сменали машғулотга ўтказамиз, деб 1959 йил декабрида КПСС Марказий Комитетининг Пленумида ваъда берган эдик. Бугун биз Марказий Комитетга шуни маълум қиламизки, ҳозир Ўзбекистонда мактабларнинг 92 процентидан кўпроғи бир сменада ишламоқда. Яқин вақт ичида қолган мактаблар ҳам бир сменали машғулотга ўтказилади. Даволаш муассасаларидаги жойларни кўпайтириш юзасидан етти йиллик топшириғини бир йил ичида бажарамиз, деб КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида сўз берган эдик. Биз Марказий Комитетга хурсандлик билан шуни айтамизки, берган сўзимизнинг устидан чиқдик: Ўзбекистонда ўтган йил касалхоналардаги жойларнинг сони пландаги 4.900 ўрнига 20.000 дан ошириб юборилди ва етти йилликнинг дастлабки топшириғи муваффақиятли бажарилди.

Ўртоқлар! Олдимизда турган вазифалар кўпайиб кетганлиги сабабли, хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарликни тағин ҳам юқори даражага кўтариш, омма орасида олиб борилаётган ташкилотчилик ва сиёсий ишларни ҳар томонлама яхшилаш, илғор тажрибаларни кенг ёйишни таъминлаш зарурлигини Ўзбекистон партия ташкилоти тушуниб турибди.

Никита Сергеевич Хрушчев қишлоқ хўжалик органларининг ишларини тубдан яхшилаш ва қишлоқ хўжалик фанини ривожлантириш масалаларини жуда тўғри кўтараётир. Биз бу муҳим тадбирларни тўла равишда қувватлаймиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партия комитетларининг иш услубини ва методларини янада такомиллаштиришга, бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини оширишга ҳаракат қилмоқда. Кадрларимизни камтарлик, ҳалоллик, ишчанлик руҳида, пролетар интернационализми ва халқлар дўстлиги, уларнинг умумдавлат вазифаларини чуқур тушунишлари руҳида тарбиялашни ўзимизнинг биринчи даражадаги бурчимиз, деб ҳамиша ҳисоблаб келдик ва ҳисоблаймиз.

Кейинги вақтларда Советларнинг ташкилий-оммавий ишлари юқори даражага кўтарилди, касаба союзлар ва комсомолнинг фаолияти активлашди. Ўзбекистон комсомолларининг шонли армияси пахтачиликда техникани тараққий эттириш учун олиб борилаётган умумхалқ курашининг биринчи сафларида бормоқда. Партиянинг чақириғи билан минглаб ташаббускор ёшлар қўриқ ерларни ўзлаштирмоқдалар, чорвачилик фермаларида, етти йилликнинг энг муҳим қурилишларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Республика партия ташкилоти хотин-қизлар орасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилади. Ўтган йилнинг ўзидагина хотин-қизлардан яна 17 минг киши ишлаб чиқаришга тортилди ва тўрт мингга яқин киши раҳбарлик ишларига кўтарилди. Партия ташкилоти хотин-қизлар орасида олиб борилаётган ишларни янада кучайтиришни, хотин-қизларга нисбатан ўтмиш сарқитларига қарши кескин кураш олиб боришни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири деб билади.

Идеология ишларида биз КПСС Марказий Комитетининг ҳозирги шароитда партия пропагандасининг вазифалари тўғрисидаги қарорига муттасил амал қилмоқдамиз. Партия ташкилотлари пропагандани турмуш билан тағин ҳам маҳкамроқ боғлашни, хўжалик ва маданий қурилиш практикаси билан тағин ҳам маҳкамроқ боғлашни таъминлашга, кадрларнинг иқтисодий билимини оширишга, бутун идеология ишларимизнинг янги кишини — коммунистик жамият кишисини тарбиялашдек олижаноб мақсадга жавоб берадиган қилишга ўзининг бутун кучини сарфламоқда.

Коммунистик ва ишчи партия вакиллари Кенгашининг Баёнотини ва Мурожаатини республика коммунистлари ва барча меҳнаткашлари зўр мамнуният билан кутиб олдилар ва замонимизнинг бу жуда муҳим ҳужжатларини ҳозир ғоят қизиқиб ўрганмоқдалар. Республика партия ташкилоти активларининг яқинда бўлиб ўтган йиғилиши Кенгаш якунларини ва Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги КПСС делегациясининг жаҳон коммунистларининг мана шу катта йиғинидаги фаолиятини якдиллик билан маъқуллади.

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитети ленинча миллий сиёсатни изчиллик билан амалга ошириб, барча иттифоқчи республикаларнинг, шу жумладан Совет Ўзбекистонининг ҳам ишлаб чиқарувчи кучларини муттасил ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Республикамиз мамлакат газ саноатининг энг йирик марказига айлантирилмоқда. 767 километрлик Жарқоқ — Бухоро — Самарқанд—Тошкент газ қувури қурилиши қисқа муддат ичида битказилди. Бухоро газининг ҳарорати саноат корхоналаринигина эмас, уйларнигина эмас, шу билан бирга, одамларнинг қалбини ҳам иситмоқда. Мамлакатимизда турмуш тобора кўркам ва қувончли бўлиб бораётганлиги билан кишиларимиз бахтиёрдир.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг газ қувури қурувчиларига юборган табриги республикада зўр хурсандлик ва завқ-шавқ билан кутиб олинди.

Ўзбекистоннинг партия ташкилоти, ҳамма меҳнаткашлари Ўзбекистон газини Уралнинг саноат марказларига ва Совет Иттифоқининг бошқа районларига тезроқ етказиб беришни ўзларининг энг биринчи бурчлари деб ҳисоблайдилар, бунинг учун ўзларининг куч ва ғайратларини аямайдилар. Биз Давлат иқтисодий кенгашидан, Давлат план комиссиясидан ва Главгаздан Газли—Урал газ қувури қурилишини жадаллаштиришларини жуда илтимос қиламиз.

Тошкентда ёқилғи билан ишлайдиган очиқ типдаги электростанция қурила бошлади. Ўзбекистоннинг социалистик индустриясини ривожлантириш тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қоладиган бу электростанция табиий газ билан ишлайди. Рангли металлургиянинг, қурилиш индустриясининг, кимё саноатининг ва бошқа саноат тармоқларининг ўнлаб янги йирик корхоналарини қуриш республикамизни тағин ҳам қудратли ва бой республикага айлантиради.

Республикамиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига, халқ бахт-саодати учун оташин курашчи шахсан Никита Сергеевич Хрушчевга Совет Ўзбекистонини яшнатиш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилаётганликлари учун чин кўнгилдан самимий ташаккур айтадилар. **(Гулдурос қарсаклар).**

Барча иттифоқчи республикалар каби Совет Ўзбекистонининг экономикаси ва маданияти барқ уриб ўсганлигини СССР халқларининг бузилмас қардошларча дўстлигининг ажойиб меваси деб биламиз. Бу эса, жонажон Коммунистик партиянинг, баҳодир рус халқининг улуғ, жаҳоншумул тарихий хизматидир. Рус халқи юксак даражада инсонпарвар бўлганлиги, кўнглининг сахийлиги, мамлакатимизнинг ҳамма халқларига муттасил ёрдам ва мадад бериб турганлиги учун мамлакатимиз халқлари чуқур муҳаббат ва ҳурмат билан уни оғамиз, деб айтмоқдалар.

Халқимизнинг бир гапи бор: булоқ суви покиза, атир гулнинг туси гўзал, пўлат мустаҳкам бўлади, лекин совет халқларининг дўстлиги сувдан ҳам покиза, гулдан ҳам гўзал, пўлатдан ҳам мустаҳкамдир. Ўзбек халқи бу муқаддас дўстликка абадий содиқ бўлиб қолади. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Ўзбекистоннинг коммунистлари, ҳамма меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Пленумининг Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съездини чақириш тўғрисидаги қарорини жуда хурсанд бўлиб кутиб олдилар. Бу съезд партия ва халқнинг коммунизмнинг тўла тантанаси учун олиб бораётган курашида янги катта босқич бўлиб нишонланади!

КПСС Марказий Комитетининг Пленумини ишонтириб шуни айтишга ижозат бергайсизки, марксизм-ленинизмнинг зафарли байроғига, пролетар интернационализмининг улуғ принципларига содиқ бўлган Ўзбекистон партия ташкилоти ўз сафларини жонажон Коммунистик партия теварагида, атоқли ленинчи Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги партия Марказий Комитети теварагида тағин ҳам маҳкам жипслаштиради ва шу Пленумнинг кўрсатмалари асосида республика меҳнаткашларининг коммунистик қурилишда янги муваффақиятлар учун, КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун курашдаги активлигини тағин ҳам юқори кўтаради. **(Давомли қарсаклар).**

* * *

Сўнгра Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. П. Мжаванадзе доклад қилади.

Ўртоқ В. П. МЖАВАНАДЗЕ доклади

Грузия республикаси, дейди ўртоқ Мжаванадзе, субтропик ва бошқа қимматли экинлар етиштириш бўйича ихтисослаштирилмоқда. Бироқ, биз яхши биламизки, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари — дон, гўшт, сут етиштиришга ҳам биз ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Бизнинг олдимизга 1961 йилда давлатга 10 миллион пуд дон сотиш ва етти йиллик охиригача дон сотишни 15 миллион пудга етказиш вазифаси қўйилган. Республика меҳнаткашлари бу планни бажариш, дон хўжалиги ва чорвачиликни кескин юксалтириш учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар.

Шу билан бирга республика хўжаликлари қимматли субтропик экинлар етиштиришга ўз эътиборларини сусайтирмасликлари, мамлакатга янада кўпроқ чой, тамаки, цитрус мевалари, узум ва мева етказиб беришлари керак. Масалан, ҳозир мамлакатда етиштирилаётган чойнинг 96 процентини республикамиз давлатга сотмоқда. Лекин бу кам, деб таъкидлайди ўртоқ Мжаванадзе, Грузия коммунистлари, меҳнаткашлари ўз олдиларига қисқа муддат ичида мамлакат аҳолисини Ватанимизда етиштирилган чой билан асосан таъминлашдан иборат шарафли, лекин бажарилиши мумкин бўлган вазифани қўйдилар. Ўтган йил республика 157 минг тонна, яъни планда белгиланганидан 19 минг тонна кўп чой баргини йиғиштириб олди ва давлатга сотди ҳамда 1963 йилга мўлжалланган даражага эришди. Бу билан чой етиштирувчилар 1965 йилда чой етиштиришни планда кўзда тутилган 170 минг тонна ўрнига 200 минг тоннага етказиш соҳасидаги ўз иродаларини яна бир марта тасдиқладилар.

Ўтган йили давлатга 30 минг тоннадан кўпроқ цитрус мевалари сотилди. Бу эса, топшириқда белгиланганидан анча кўпдир. Цитрус хўжалигининг янада ривожлантирилиши етти йилликнинг охирги йилида мева етиштиришни икки баравар кўпайтириш имкониятини беради.

Республика колхоз ва совхозларида уч-тўрт йилдан кейин 2,5 минг тонна дафна барги етиштириш учун янги дафназорлар барпо этилди ва барпо этилмоқда. Лекин бу баргнинг ана шу миқдори ҳам камлик қилади. Шу сабабли дафна барги етиштиришни 6-7 минг тоннага етказиш керак. Бу вазифани бажаришга биз киришдик, ҳозир янги дафназорлар учун майдонлар тайёрланмоқда.

Республика соҳибкорлари олдида ҳам катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Етти йилликнинг қолган йиллари ичида токзорлар майдони 150 минг гектарга етказилиши керак. Токзорлар барпо қилиш суръатини анча ошириш мумкин бўлур эди, дейди ўртоқ Мжаванадзе, лекин ток қаламчаларининг етишмаслиги ва зарур техниканинг — кучли тракторлар, плантаж плугларнинг камлиги қўлни тутиб турибди, буларсиз республика шароитида тупроқни тайёрлаш жуда қийиндир.

Ўтган йили боғбонлар ва тамакикорлар яхши ишладилар. Боғбонлар мажбуриятдаги 80 минг тонна ўрнига давлатга 80,5 минг тонна мева бердилар.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида ва ундан анча илгари Грузия ССР чорвачиликни ривожлантириш соҳасидаги қолоқлик учун танқид қилинган эди. Тўғрисини айтиш керакки, дейди нотиқ, биз бу ҳаққоний танқиддан тўла хулоса чиқариб олганимиз йўқ. Кўрилган чоралар ҳали етарли эмас. Масалан, ҳар йили ҳамма қўйларнинг 8-10 проценти нобуд бўлмоқда. Сўнгра нотиқ жамоат чорвачилигини ривожлантириш соҳасидаги жиддий қолоқликка нималар сабаб бўлганлиги устида тўхталиб ўтади. Бунга аввало умумий подадаги зотдор моллар салмоғининг камлиги, урғочи молларнинг кўплаб қисир қолиши ва молларнинг нобуд бўлиши асосий сабаб бўлмоқда.

Колхоз ва совхозлар бу йилги қишловга яхшироқ тайёргарлик кўрдилар. Дағал хашак ва силос ўз вақтида тайёрлаб қўйилди, янги қурилишлар ва бинолар ремонти тугалланди. Қўйчивонларнинг ўз меҳнатлари натижасидан моддий манфаатдорлиги ошмоқда.

Докладчи таъкидлайдики, Грузия хўжаликлари қорамол, чўчқа ва парранда сонини ошириш планини бажардилар ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирдилар. Давлатга гўшт, сут, тухум ва жун сотиш топшириқлари ошириб бажарилди.

Республикада 1961 йил учун давлатга гўшт ва сут сотиш плани анча оширилади. Бу планни муваффақиятли бажариш учун, дейди ўртоқ Мжаванадзе, биз сигирлар сонини кўпайтириш чораларини кўрмоқдамиз, ихтисослаштирилган наслчилик совхозлари тузмоқдамиз, колхозлараро чўчқачилик ва паррандачилик фермалари, яйловда боқиладиган подалар ташкил қилмоқдамиз. Колхозлараро фермаларда меҳнат сарфи анча қисқарди, маҳсулот таннархи арзонлашди.

Республика партия ташкилоти жамоат чорвачилигини ривожлантиришнинг асоси бўлган озуқа базасини мустаҳкамлашга кун сайин эътибор бермоқда. Колхоз ва совхозларда экин майдонларининг структураси қайта кўриб чиқилди, озуқа экинлари майдони анча кенгайтирилди. Маккажўхори майдони кўпайтирилди. Бу эса, ўтган йили ҳар бош сигирга 11 тоннагача, ёки 1953 йилда тайёрланганидан олти баравар кўпроқ силос бостириш имконини берди. Ангизга маккажўхори экиш республикада озуқа етиштиришнинг қўшимча резервидир. Грузияда қисқа муддат ичида йилига 200 минг тонна комбинациялаштирилган озуқа ишлаб чиқадиган корхоналар вужудга келтирилди. Антибиотиклар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, кўпгина хўжаликлар биринчи марта витаминли пичан тайёрлай бошладилар. Бу тадбирларнинг ҳаммаси жамоат чорвасининг маҳсулдорлигини оширишга самарали таъсир кўрсатди.

Республикада қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини муваффақиятли юксалтиришнинг асосий шартларидан бири, деди докладчи, мутахассис кадрларни тўғри танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш, уларнинг ташкилотчилик ролини оширишдан иборатдир. Ўртоқ Мжаванадзе бир қанча колхозларни тилга олади. Бу колхозларнинг раҳбарлари мутахассислар бўлиб, улар жамоат ишлаб чиқаришининг чинакам ташкилотчиларига айландилар, колхозлар экономикасини юксалтиришга, даромадни оширишга эришдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми, дейди ўртоқ Мжаванадзе, бизларнинг ҳаммамизни, бутун партиямизни қишлоқ хўжалигини янада кучли равишда юксалтириш учун, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг мўл-кўллигини вужудга келтириш учун курашда равшан программа билан қуроллантиради.

* * *

Сўнгра доклад қилиш учун сўз Озарбайжон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Ю. Охундовга берилади.

Н. С. Хрушчев билан Нородом Сианук Лаос масаласи юзасидан бир-бирларига мактуб юбордилар

МОСКВА, 12 январь. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев 7 январда Камбоджа давлатининг бошлиғи Нородом Сианукка мактуб юборди. Н. С. Хрушчевнинг бу мактуби Нородом Сиануkнинг Лаосдаги воқеалар ҳақидаги масала юзасидан қилган мурожаатига жавобдир.

Совет ҳукумати, дейилади Н. С. Хрушчевнинг мактубида, Лаосда вужудга келган вазият муносабати билан Сизнинг чуқур ташвишланаётганлигингизни тамомила баҳам кўради. Лаосда вужудга келган вазият Лаос халқининг миллий мустақиллигига, шунингдек Шарқи-Жанубий Осиё районида тинчлик ва хавфсизлик ишига жиддий таҳдид солмоқда.

АҚШ Лаоснинг мустақиллигини йўқотиш, Лаосни СЕАТО таянч базаларидан бирига айлантириш мақсадида Лаос халқининг қонини тўкишдан ҳам қайтмай, кейинги кунларда Лаосга қарши очиқдан-очиқ интервенцияни амалга оширишга қаратилган тадбирлар кўраётганлиги, деб уқтириб ўтилади мактубда, барча тинчликсевар халқларни жиддий ташвишлантирмаслиги мумкин эмас. Шу муносабат билан, Эйзенхауэр президентлик лавозимидан кетиши олдидан, АҚШнинг Тинч океандаги қуролли кучларини жанговар тайёр ҳолга келтириш тўғрисида буйруқ берганлиги, АҚШнинг ҳарбий-денгиз қўшилмаси Ҳинд-Хитой соҳиллари томон Жанубий Хитой денгизига юборилганлиги, Лаос чегарасида Таиланд ва Жанубий Вьетнам йирик ҳарбий кучларининг тўпланаётганлиги эътиборни ўзига жалб этади.

Барча тинчликсевар халқлар, шу жумладан Совет халқи ва унинг ҳукумати Лаос халқининг ҳаққоний курашига қизғин хайрихоҳлик билдиради ва бу курашни тамомила қўллаб-қувватлайди.

Н. С. Хрушчев ёзадики, Сизнинг «Ҳаёти жиддий хавф остида қолган қардош Лаос халқини ҳимоя қилиб чиқишни Камбоджа ўз бурчи деб ҳисоблайди», деган сўзларингизни табриклаймиз. Совет ҳукумати ишонадики, Камбоджа король ҳукумати бошқа тинчликсевар мамлакатлар билан биргаликда шаҳзода Суванна Фуманинг қонуний Лаос ҳукуматига зарур бўлган ҳамма ёрдамни беришда давом эта беради.

Лаос халқининг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш, Америка агрессорларини жиловлаб қўйиш ҳамда Шарқи-Жанубий Осиёда уруш ўчоғи вужудга келиш хавфининг олдини олиш йўлларини топиш бутун дунёдаги барча тинчликсевар кучларнинг ҳозирги вақтдаги энг зарур вазифасидир, деган фикрингизга Совет ҳукумати тамомила қўшилади.

Н. С. Хрушчевнинг мактубида яна шу нарса кўрсатиб ўтиладики, Совет ҳукумати шаҳзода Нородом Сиануkнинг 1954 йилда Женевада ўтказилган кенгаш қатнашчиларининг, шу жумладан АҚШнинг, Лаос юзасидан тузилган халқаро комиссия аъзоси бўлган давлатлар ва Лаос билан қўшни мамлакатларнинг иштирокида халқаро кенгаш ўтказиш ҳақидаги таклифига Совет ҳукумати ижобий қарайди.

Совет ҳукумати, дейилади Н. С. Хрушчев мактубининг охирида, Лаос масаласи юзасидан халқаро кенгаш чақириш мақсадида зарур бўлган ҳамма чораларни Камбоджа король ҳукумати билан биргаликда кўришга ва Лаосда тинчлик ўрнатишга мумкин қадар тезроқ ёрдам бериш, Шарқи-Жанубий Осиёда тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни кўришда у билан маҳкам ҳамкорлик қилишга тайёрдир.

Фтизиаторларнинг республика кенгаши

НАМАНГАН, 13 январь. (ЎзТАГ). Бу ерда фтизиатор врачларнинг биринчи республика кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда Ўзбекистоннинг барча областлари ва Қорақалпоғистон АССРдан вакил бўлиб келган икки юздан кўпроқ мутахассис қатнашди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш министри Р. С. Соатов касалланишни янада камайтириш юзасидан кўрилаётган чоралар ҳамда медицина ходимларининг вазифалари тўғрисида гапириб берди. Кенгашда меҳнат терапиясини ташкил қилиш масалаларига катта эътибор берилди. Медицина фанлари кандидати М. Абдурашидова ва Тошкентдаги учинчи касалхонанинг бош врачи Е. Ананьева шу тема юзасидан доклад қилдилар. Профессор Ш. Алимов ўз докладида антибактериал терапия масалалари ҳақида, хизмат кўрсатган фан арбоби профессор И. Гаспарян эса, даволашнинг хирургия методлари ҳақида гапирди.

Кенгаш қатнашчилари докладларда илгари сурилган актуал масалалар юзасидан фикр алмашдилар, бир қанча маҳаллий даволаш ва профилактика муассасаларини бориб кўрдилар.

КАТТА ҒАЛАБА

„Коммунизм“ колхози ҳосилнинг 93 процентини машиналарда териб олди

Мен пахтакорлар авлодиданман. Қариялар билан тез-тез суҳбат қилишга тўғри келади. Улар пахта далаларида қилган меҳнатлари ҳақида кўп марта ҳикоя қилиб беришган. Эски вақтда пахта етиштириш жуда оғир, ҳолдан тойдирувчи иш эди.

Мана ҳозир, ўша вақтларнинг гувоҳи бўлган кишилар кўпинча мени қуршаб олиб:

— Кўнглимиз ёш. Узоқ йиллар яшагимиз келади. Ҳар бир колхозчининг уйига бахт кирди, пахтакорнинг меҳнати қувончли бўлиб қолди. Коммунистик партияга, Совет ҳукуматига, ўртоқ Н. С. Хрушчевга раҳмат! — дейишади.

Ҳозир Ўзбекистонда пахтачиликни комплекс механизациялаш соҳасида катта ғалабага эришилганлигини ҳар бир меҳнаткаш билади. Ўрта Осиё, Закавказье республикалари ва Қозоғистон пахтачилик ходимларининг 1954 йилда Тошкентда бўлиб ўтган кенгашида қабул қилинган тавсияларни амалга оширишнинг самарасини ҳар бир колхоз ва совхозда кўриш мумкин. Бу кенгаш ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг шахсан раҳбарлигида ўтган эди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари пахтачиликни механизациялаш йўлидан дадил бормоқдалар. Валентин Тюпко, Қурбон Кенжаев ва Тоғай Абсаматовларнинг ташаббуси билан комплекс механизациялаш асосида пахтани арзон етиштириш ва пахтакорнинг меҳнатини енгиллатиш учун кураш кенг тус олди.

Пахта далаларида меҳнатни ташкил этишда прогрессив форма ташаббускорларининг дастлабки муваффақиятлариёқ пахта албатта қўл меҳнатини талаб қилувчи экин, деган эски тасаввурни улоқтириб ташлади.

Пахтачилик новаторлари пахтакорларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш учун, пахта таннархини камайтириш учун курашда тўғри йўлдан бораётганликларини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади. Комплекс механизациялашган трактор-далачилик бригадаларининг кўплаб ташкил этилиши бунинг ёрқин далилидир. Сўнгги уч йил ичида бундай бригадалар Ўзбекистоннинг барча пахтакор хўжаликларида асосий зарбдор куч бўлиб қолди.

Бизнинг колхозимизда Валентин Тюпконинг иш методини биринчи бўлиб тракторчи Ҳаким Қурбонов қўллади. У 1958 йилда икки кишидан иборат комплекс механизациялашган звенога бошчилик қилди. Звенога 16 гектар ер бириктирилган эди. Баъзи кишилар бир одам 8 гектар ерда пахта етиштириши мумкин эмас, деган нотўғри фикр билан Ҳ. Қурбоновнинг ишига ишонмадилар. Бундай кишиларнинг ваъзхонлигига қарамай, звено дала ишлари комплексини муваффақиятли бажарди ва ҳар гектаридан 28 центнердан пахта олди. Звенонинг ҳар бир аъзоси ҳисобига 22,4 тоннадан «оқ олтин» етиштирилди. Ҳ. Қурбонов ҳосилнинг 80 процентга яқинини машинада терди. Бир центнер пахта етиштириш учун 3,2 меҳнат куни сарфланди.

1959 йил бошида шу звено базасида 6 кишидан иборат комплекс механизациялашган бригада ташкил қилинди. Правление Ҳ. Қурбоновни бу бригадага бошлиқ қилиб тайинлади. Олтовлон аҳил бўлиб, 50 гектарлик ерга чигитни ўз вақтида квадрат-уялаб экди ва ғўза парваришига киришди.

Иш якунлари кутганимиздан ҳам зиёд бўлди. Бригада гектаридан 40 центнердан пахта йиғиб-териб олди. Бу ҳар бир кишига 33,3 тоннадан тўғри келади. Бир центнер пахта етиштириш учун сарфланган харажат 1,98 меҳнат кунигача камайди. 200 тонна ялпи ҳосилдан 193 тоннаси механизация воситасида терилди.

Таққослаш учун колхоз бўйича рақамларни келтирамиз. Ўша йили колхозда гектаридан ўртача 25 центнердан пахта олинди. Пахтачиликда ишлаётган меҳнатга қобилиятли ҳар бир колхозчи ҳисобига 4,3 тонна пахта етиштирилди.

Ҳ. Қурбонов бригадасининг тажрибаси колхозимиздаги ҳамма пахтакорларни ғўзани кетмон билан парвариш қилиш ва ҳосилни қўлда йиғиб-териб олишга қараганда дала ишларини комплекс механизациялаш жуда катта афзалликларга эга эканлигига ишонтирди. Ҳар бир колхозчи ўзбек халқининг яқин дўсти Никита Сергеевич Хрушчевнинг: машина кишининг дўсти, уни кишининг ўзи яратган, машина унинг меҳнатини енгиллатиши керак, деган сўзларининг маъносини янада яхшироқ тушунди.

Колхознинг етти йиллик планида 1965 йилда пахтачиликни тўла комплекс механизациялаш белгиланган. Бу ишни тезлатиб бўлмайдими? Ҳисоблар белгиланганидан аввал комплекс механизацияга ўтиш мумкинлигини кўрсатди. Шунга мувофиқ **18 бригаданинг ҳаммасини трактор-далачилик бригадасига, 1960 йилни эса 2045 гектар пахта майдонидаги ҳамма ишларни комплекс механизациялаш йилига айлантиришга** қарор қилинди.

1959 йилнинг кузида колхозда мўл ҳосил учун асос яратилган эди. Ҳамма ерлар шудгор қилинди. Ҳайдаш олдидан ҳар гектар ерга ўғит соладиган сеялкалар билан 300-350 килограмм суперфосфат солинди. Агрономлар тракторчиларнинг ишини диққат билан контроль қилиб бордилар ва ернинг саёз ҳайдалишига йўл қўймадилар. Қишда, об-ҳаво юришиб кетган дамларда чала қолган ерлар, карталарнинг четлари ва бурчаклари ҳайдалди, дарахтларнинг ости культиваторлар ёрдамида юмшатилди. Мартнинг бошларида экин майдонининг кўп қисмига яхоб берилди. Техника олдиндан тахт қилиб қўйилди. Механизаторлар 44 та чопиқ трактори ва 34 сеялкани қатор ораларини 50 сантиметрли ўрнига 60 сантиметрли қилиб қайта мосладилар.

Механизатор кадрлар тайёрлашга алоҳида аҳамият бердик. Каттақўрғон ва Самарқанд механизация билим юртларида, шунингдек Тошкентда пахта териш машиналарининг 108 механик-ҳайдовчиси ва кўпгина тракторчилар қайта тайёрланди ва янгидан ўқитилди.

Колхоз 1 апрелда чигит экишни бошлади. Лекин ҳаво инжиқлик қилди. Ёмғир бўлиши ва совуқ уриши оқибатида 1520 гектар ерга қайта чигит экишга тўғри келди.

Чигит экишнинг май ойининг охирларигача чўзилиб кетишига сабаб бўлган бу қийинчиликларга қарамай, механизаторлар техникадан оқилона фойдаландилар. 90 процент майдонга чигит кўчма қозиқлар ёрдамида квадрат-уялаб экилди. Иккита контроль чизиқ ёрдамида чигит экиш учун агрегатларда 7 киши ишласа, кўчма қозиқ ёрдамида чигит экишда икки киши хизмат қилади. 33 гектар ерга чигит экишда уяларга белгиланган миқдорда уруғлиқ ташлаб кетадиган сеялкадан фойдаландик.

Чигит кеч экилганлиги биздан ғўзанинг ўсиши ва ривожланишидаги кечикишни бартараф қилиш учун экинларни жуда диққат билан парвариш қилишни талаб этди. Биз культивация сифатига катта аҳамият бердик. Ёз давомида узунасига 6 марта ва кўндалангига 3-4 марта культивация қилдик, ғўзани 5 марта суғордик, озиқлантирдик.

Тракторларга культиваторларни осишда қатор ораларининг ҳар бирига ўқсимон панжа, иккита наральник ва иккита пичоқ ҳамда сошник ўрнатилди. Бундан ташқари ишчи агрегатлар олдига тупроқни суғорилгандан сўнг саёз юмшатиб кетадиган барабанлар қўйилган эди.

Баҳордаёқ биз РТС устахонасига 15 та пахта териш машинаси ва 11 та кўсак чувиш машинасини ремонт қилиш учун элтиб берган эдик. Ёзнинг охирида бу техниканинг ҳаммаси ремонт қилиб қўйилди.

Лекин техника тахт қилиб қўйилган ва яхши механизатор кадрлар бўлса ҳам, далаларни тайёрлаш унутиб қўйилса, ҳосилни машинада териш юзасидан белгиланган иш ҳажмини бажаролмай қолишимиз мумкин эди. Бизнинг механизаторларимиз пахта териш машиналарининг унумли ишлаши тўпланган ҳосилгагина эмас, балки ғўза ва пайкалнинг ҳолатига ҳам боғлиқ эканлигини бир кун ҳам унутишмади.

Терим агрегатларининг бемалол ишлаши учун баҳордаёқ карталарни йириклаштирган эдик. Бунда 800 туп тут дарахтини кўчириб, бошқа жойга ўтқазишга тўғри келди. Шунингдек, ҳосили машинада териладиган ерлар яхшилаб текисланди.

Чигит экиш ва уялардаги кўчатларни букетлаш вақтида қаторларнинг тўғри бўлишига катта эътибор берилди. Бутун ёз давомида бегона ўтларга қарши қаттиқ курашилди. Йиғим-теримнинг бошларида бизнинг далаларимизда бирорта ҳам бегона ўтни тополмас эдингиз.

Ғўза баргини сунъий равишда тўктиришни сентябрнинг биринчи ярмида бошладик ва кўсакларнинг етилишига қараб ўтказдик. Бунда дори сифатида цианамид кальций ва кремнефтористий натрийдан, қайта дорилашда эса хлорат магний ва хлорид-хлорат кальцийдан фойдаландик.

Октябрда машина теримига киришдик. Бу вақтга келиб ҳар бир тупдаги кўсакларнинг 60 проценти очилган эди. Бунга қадар колхозчиларимиз Охунбобоев номли колхозга пахта теримида ёрдам бердилар, кишиларнинг бир группаси машиналар қайтадиган жойларни тайёрлаш билан банд эди. Аввало бундай жойларда очилган пахтани қўл билан териб олдик, сўнгра ғўзани ўриб олиб, ўрнини культиваторлар ёки бульдозерлар билан текисладик. Пахта териш машиналарининг иши группа усулида ташкил этилди. 4-5 машинадан иборат ҳар бир группага тракторга тиркаладиган иккита арава ҳамда иккита автомашина бириктирилди. Бу транспорт воситалари пахтани қоп-қанорсиз ташишга мослаштирилган эди.

Мавсум бошида бундай группалар учта эди. Кейинчалик эса янги машиналар келиши билан, группалар сони кўпайди. Механик-ҳайдовчилар албатта ўзлари экхан ва ўзлари парвариш қилган участкадаги пахта ҳосилини ўзлари тердилар. Ишчи кучларини ана шундай жойлаштириш машина терими сифатини оширишга имкон берди. **«ХВС-1,2» маркали машинанинг бир сменадаги иш унуми 3-4 тоннадан 6 тоннагача кўтарилди, серҳосил участкаларда ишлаган айрим ҳайдовчилар эса сменада 8-10 тоннадан пахта теришди.**

Механик-ҳайдовчилар одатда иш кунини эрталаб соат 6 да бошлашади. Улар машинани далага киритишдан илгари уни мойлаб, тозалаб, кўздан кечириб чиқишади. Ҳар бир механик-ҳайдовчининг шериги бор. Улар кун бўйи навбатма-навбат машина штурвалига ўтиришади. Кечаси соат икки-учлардагина ишни тўхтатишади.

Механизаторлар бевосита далада иссиқ овқат билан таъминлаб турилди.

Машиналарга техник хизмат кўрсатиш мақсадида учта кўчма автоустахона ва битта электр пайвандлаш агрегати ташкил қилинди. Бундан ташқари РТС нинг кўчма устахонаси ҳам механик-ҳайдовчиларга доимий ёрдам кўрсатиб турди. Уч участка механигининг ҳар бири ўн кунда бир марта машиналарни мураккаб техник парваришдан чиқарди. Бу иш кечаси ўтказилди.

Йиғим-терим мавсумининг қизғин даврида колхоз далаларида 52 та терим агрегати ишлади, шундан 23 таси «ХВС-1,2» эди. **Машиналар билан 1900 гектар ёки 93 процент майдондаги пахта териб олинди. Пландаги 2 минг тонна ўрнига машинада 3320 тонна пахта терилди. Ҳар бир машинанинг иш унуми ўртача деярли 64 тоннадан, «ХВС-1,2» машинасининг иш унуми эса 101,6 тоннага тўғри келди.** Машинада терилган пахтанинг ҳаммаси тайёрлаш пунктига қоп-қанорсиз ташилди. Бунинг учун колхоз 16 та трактор самосвал тележкаси сотиб олди ва 20 та юк автомашинасининг бортларини баланд қилиниб мослаштирилди. Бу транспорт воситаларининг ҳаммаси айрим пахта териш агрегатларига эмас, балки бригадаларга бириктириб қўйилган эди. Шу туфайли пахтани тўхтовсиз ташиш таъминланди.

Машинада иккинчи терим ўтказилгандан сўнг ерга тўкилган пахта қўл билан териб олинди. Бундай пахта даланинг ўзида «УПХ-1,2» машинаси ёрдамида тозаланди. Пахта териш машиналарининг ерга тўкилганлари тушадиган бункеридаги пахта кўчма кўсак тозалаш машинасида тозаланди.

Махсус ҳисобчилар механик-ҳайдовчиларнинг меҳнатини ҳисобга олиб бордилар. Бундай ҳисобчилар ҳар бир группада бор эди. Ҳар бир ҳайдовчининг иши бункерни неча марта бўшатганига қараб белгиланди. Ҳар беш кунда ҳайдовчиларнинг ишига ҳақ тўлаб ҳисоб-китоб қилиб турилди.

Кўпгина механик-ҳайдовчилар олган социалистик мажбуриятларини ошириб бажардилар. Уларнинг орасида Матлуба Назарова ва Мукаррам Пардаева ҳам бор. Мамлакатимизнинг шонли механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова ташаббусига қўшилган бу қизлар Самарқанд механизация билим юртида ўқиб, янги касб ўргандилар ва колхозга қайтиб келдилар. Йиғим-теримнинг дастлабки кунларидан бошлаб бу икки дугона социалистик мусобақага қўшилди ва ўз агрегатларининг юксак унум билан ишлашини таъминлади. Натижа жуда қувончли бўлди. Матлуба мавсумда 223 тонна, Мукаррам эса 220 тонна терди.

Машиналардан оммавий равишда фойдаланиш йиғим-терим суръатини анча тезлатишга имкон берди. Агар биз сентябрь ойида ва октябрнинг биринчи беш кунлигида давлатга деярли пахта топширмаган, қўшни хўжаликлардан орқада қолиб кетган бўлсак, 6 октябрдан 1 ноябргача пахта тайёрлаш йиллик планини 79 процент бажардик, декабрнинг бошида эса планни тўла адо этдик. Тайёрлаш пунктига 4240 тонна «оқ олтин» топширилди. Шундан 3320 тоннаси машиналарда терилган пахтадир.

Йиғим-терим ишларини юксак даражада механизациялаш, пахта териш ва ташишда поток усулини қўлланиш ўз афзалликларини кўрсатди. **Ҳосилни йиғиб-териб олишда қўл меҳнатини камайтириш ҳисобига колхоз 2 миллион 400 минг сўм (эски пул билан) маблағни тежаб қолди.**

Маҳсулот единицаси учун меҳнат ва пул сарфлари ҳам кескин камайди. **1959 йилда бир центнер пахта етиштириш учун 4,3 киши куни сарфланган, таннархи эса 152 сўмга тушган бўлса, 1960 йилда меҳнат сарфи 3,5 киши куни, таннархи эса 115-120 сўмга тушди.**

Колхозимиз аъзолари пахтачиликда техникани кенг қўлланишнинг иқтисодий жиҳатдан самарали эканлигига ишонч ҳосил қилдилар ва бундан буён ҳам машиналарнинг қудратли елкасига таянадилар. Биз тўғри йўлдан бормоқдамиз.

Шамси НАЗАРОВ,
«Коммунизм» колхозининг раиси, Ўзбекистон ССР, Самарқанд область, Пахтакор райони.

«Сельская жизнь»нинг 10 январь сонидан.





Бу суратлар машина терими қизиган бир пайтда олинган. Чапда — «Коммунизм» колхозининг раиси Шамси Назаров. Иккинчи суратда — пахта тайёрлов пунктига қоп-қанорсиз келтирилган пайт.

А. Кузьменко фотоси.

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

ПРАГА (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Пленумининг кун тартибида турган масалалар Чехословакия жамоатчилигини ғоят қизиқтирмоқда. 11-январда Прага радиоси ва телевидениесининг кечки эшиттиришлари Пленумнинг очилиши тўғрисидаги информацион билдириш билан бошланди. Бугун ҳамма газеталар Москвадан олинган муҳим хабарни энг кўзга кўринган жойларда катта сарлавҳалар остида босиб чиқариб, Пленумнинг КПСС ва бутун совет халқи ҳаётидаги катта аҳамиятини таъкидлаб кўрсатдилар.

«Руде право» Пленум тўғрисидаги хабарни. КПССнинг навбатдаги XXII съездини чақириш тўғрисидаги қарорни сарлавҳада эълон қилган. Газета «Правда»нинг 10 январдаги бошмақоласи баёнини эълон қилиб, Пленумнинг СССР Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди.

ВАРШАВА (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Пленуми Польшадаги бутун марказий матбуотнинг диққат марказида турибди. Газеталар Пленум ишининг дастлабки куни тўғрисидаги ҳисоботларни биринчи саҳифаларда босиб чиқардилар.

«Трибуна люду», «Жице Варшави», «Голос Праци» ва бошқа газеталар КПСС Марказий Комитети Пленумининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXII съездини чақириш тўғрисидаги қарорини биринчи саҳифаларда босиб чиқардилар. Газеталар катта ҳарфлар билан терилган сарлавҳаларда бундай деб ёзадилар: «Октябрь ойида — КПСС XXII съезди бўлади». «Партиянинг янги программаси тайёрланмоқда». «Бу Пленумнинг диққат марказида қишлоқ хўжалик масалалари турибди».

«Трибуна люду» газетаси партия XXII съездида қабул қилинадиган КПСС программаси ҳақида бундай деб ёзади: Янги ҳужжат ҳозирги замон тарихий тажрибасини умумлаштиради ва бир қанча янги муҳим назарий қоидаларни киритади, деб кутиш мумкин.

БЕРЛИН (ТАСС). «Неймс Дейчланд», «Берлинер цейтунг», «Трибюне», «Нейе Цейт» ва Берлиндаги бошқа демократик газеталар бугун биринчи саҳифаларида Москвада Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми очилгани тўғрисидаги хабарни босиб чиқардилар. «Нейес Дейчланд» газетаси хабарни «КПСС XXII съезди 1961 йилнинг октябрида бўлади» деган катта сарлавҳа остида босиб чиқарди.

Германия Демократик Республикасининг радиостанциялари КПСС Марказий Комитетининг Пленуми иш бошлаганлиги тўғрисидаги хабарни бир неча марта эшиттирди.

БУХАРЕСТ (ТАСС). Руминиянинг ҳамма марказий газеталари КПСС Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисидаги информацион билдиришни, КПССнинг навбатдаги XXII съездини чақириш тўғрисидаги қарорнинг тўла текстини босиб чиқардилар.

СОФИЯ (ТАСС). Болгариянинг ҳамма марказий газеталари биринчи саҳифаларида Москвада КПСС Марказий Комитетининг Пленуми очилгани тўғрисидаги хабарни ва КПСС XXII съездини чақириш тўғрисидаги қарорни биринчи саҳифаларда катта ҳарфлар билан эълон қилдилар.

БУДАПЕШТ (ТАСС). Будапешт газеталари КПСС Марказий Комитетининг Пленуми очилгани тўғрисидаги ва КПСС XXII съездининг чақирилиши ҳақидаги хабарларни катта сарлавҳалар остида эълон қилдилар. Венгрия телеграф агентлигининг Москва мухбири ўз шарҳларида шу нарсани таъкидлайдики, VIII съездда В. И. Лениннинг бевосита иштироки билан қабул қилинган партия программаси тўла бажарилди. Социализм даврида ва социализмдан коммунизмга ўтиш даврида партия олдига янги вазифалар қўйилди. XX съезддан кейин партия, совет давлати ва бутун дунё ҳаётида рўй берган ғоят катта ўзгаришлар XXII съезд кун тартибига партия программаси лойиҳасининг қўйилишини айниқса асосли қилиб қўяди.

Шарҳнинг охирида айтиладики, коммунистик ва ишчи ҳаракатининг жаҳоншумул муваффақиятлари, Совет Иттифоқининг коммунизм қурилиши ва етти йиллик планни бажариш соҳасидаги зафарлари партиянинг янги программаси асосланадиган пойдеворни яратади.

◆

МАДАНИЯТ УНИВЕРСИТЕТЛАРИНИНГ ЖАМОАТ КЕНГАШИ

Республикада маданият университетларининг жамоат кенгаши ташкил қилинди. Кенгаш бадиий ҳаваскорлик билим юртларидаги илғор тажрибаларни оммалаштириши, уларга методик жиҳатдан ёрдам бериши керак. Кенгаш составига атоқли олимлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг раҳбар ходимлари киритилди.

Кенгаш ўзининг биринчи мажлисида маданият университетларига методик жиҳатдан раҳбарлик қилишни яхшилаш юзасидан бир қанча тадбирларни ишлаб чиқди.

Январь ойининг иккинчи ярмида область партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вакиллари билан биргаликда маданият университетлари директорларининг кенгашини ўтказишга ва бу кенгашда республикада бадиий ҳаваскорлик университетларининг иш тажрибаларини умумлаштириш, уларнинг фаолиятини янада авж олдириш йўлларини белгилашга қарор қилинди (ЎзТАГ).

ПОЛЬШАЛИК ДЎСТЛАР ТОШКЕНТДА

ВЛКСМ Марказий Комитетининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Польша Социалистик ёшлар союзи Марказий Комитетининг секретари Ежи Терей бошчилигидаги поляк студентлари делегацияси 12 январда Тошкентдан Тбилисига жўнаб кетди.

Делегация аъзолари жўнаб кетишларидан сал илгари Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг студентлари ҳузурида меҳмон бўлдилар. Польша студентлари ўқув процессининг ташкил қилиниши билан танишиб, кабинетларни, лабораторияларни ва аудиторияларни кўздан кечирдилар. Ишлаб турган темир йўл макети уларни қизиқтирди. Бу ерда ҳамма нарса ростдакамга ўхшайди: поезд юради, светофор чироқлари ёнади, автоблокировка ишлаб туради. Бунда 200 километрлик темир йўл участкаси кўз олдингизда намоён бўлади. Мана, чинакам диспетчерлик хонаси. Студентлар олдида микрофон ва ёритқичли табло турибди. Поездлар ҳаракати кнопкаларни босиш билан бошқарилади. Бу ерда фақат макетларгина қўйилмаган. Меҳмонлар чинакам светофорларни, рельсларни ўзгартирувчи автоматларни, кесма тарзда кўрсатилган оддий ҳажмдаги тепловозни, музлатиладиган маҳсулотлар учун музлатиш установкасини кўрдилар.

— Институтингизнинг техника билан таъминланишига, ускуналари ва лабораторияларига ҳавасимиз келди, деди ўртоқ Ежи Терей.

Польшалик студентлар комсомол комитетига таклиф қилинди. Бу ерда институт комсомол ташкилотининг фаолияти тўғрисида суҳбат бўлди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг масъул ходимлари билан суҳбатлашдилар. (ЎзТАГ).

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

БОҒ ВА ТОКЗОРЛАРГА ЯХОБ БЕРИНГ

Бу йилги қиш қуруқ келяпти. Шунинг учун ҳам боғ ва токзорларни асрашга катта эътибор бериш керак. Ёғингарчиликнинг узоқ вақт бўлмаслиги, тупроқ устида қор йўқлиги ва ҳароратнинг тез-тез ўзгариб туриши натижасида тупроқ қуриб қолмоқда.

Тупроқнинг нами қочган пайтда кучли совуқ бўлса, мева дарахтлари ва токларнинг илдиз системаси музлаб қолиши мумкин. Бунинг оқибатида дарахт қуриб қолиш эҳтимоли бор.

Нам етарли бўлмагач, ҳароратнинг кескин ўзгариши натижасида мева куртаклари бевақт ёзилиши мумкин. Шундай пайтда бирдан совуқ тушса, мева дарахтлари қуриб қолади.

Юқоридагиларни ҳисобга олганда, ҳозирги шароитда боғ ва токзорларни суғоришнинг аҳамияти жуда каттадир. Мевазорларга яхоб бериш орқали дарахтларни қуришдан, меванинг нобуд бўлишидан сақлаб қолиш мумкин. Шунинг учун ҳам ҳамма жойда ва дарҳол боғларни, токзорларни суғориш керак.

Яхоб бериш мева дарахтларини сақлаб қолишдагина эмас, баҳор ва ёз даврида дарахтларнинг нормал ривожланиши учун нам тўплашда ҳам катта аҳамиятга эгадир. Чилла суви бериш орқали шўрланган ерлардаги зарарли тузларни ҳам ювиш мумкин. Баҳор ва ёз ойларида сув камчил бўладиган районларда боғларни қишда суғоришнинг фойдаси айниқса каттадир. Чилла суви тупроқда қишлайдиган зараркунандаларни қириб ташлашини ҳам унутмаслик керак.

Яхоб беришни чуқур эгатлар орқали, сувни секин оқизиб ўтказиш керак, токи тупроқ 50-70 сантиметр чуқурликда намлансин. Бунинг учун ҳар гектар ерга бир суғоришнинг ўзида 800-1000 кубометр миқдорида сув сарфлаш керак. Шўрланган ерларни бостириб суғориш мумкин.

Ер ости сувлари юза жойлашган майдонларда шу ернинг шароитига қараш, сув жуда юза бўлса суғормаслик керак.

Боғ ва токзорларга эга бўлган хўжаликларнинг раҳбарлари, агрономлар боғларга ўз вақтида яхоб берилишига эътибор берсинлар.

М. М. МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг корреспондент аъзоси.

В. В. КУЗНЕЦОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати,

К. К. ПРЯХИНА,
Р. Г. БОРОЗДИН,
агрономлар.

Редактор **И. РАҲИМОВ.**

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

14 ЯНВАРДА

18.30 — **«Биласизми?»** (ёшлар учун рус тилида). 19.10 — **Кун янгиликлари** (киножурнал). 19.20 — **Сўнгги ахборот.** 19.40 — **Спорт эшиттириши.** 20.00 — **Ўзбекистон композиторларининг асарлари** (Ўзбек давлат филармонияси симфоник оркестрининг Радио уйидан бериладиган концерти) 20.40 — **«Шифр сири»** номли румин саргузашт фильми. 22.00 — **Чет эл эстрада артистларининг концерти.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/I да **Севилья сартароши** 15/I да эрталаб **Этик кийган Мушук,** кечқурун **Майсаранинг иши.** СССР халқ артисти **Саодат Қобилова,** Ўзбекистон ССР халқ артисти **Карим Зокиров,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Ксения Давидова, Жамол Низомхўжаев, Содиқ Воҳидов** солистлардан **Михаил Мушеев, Эргаш Йўлдошев, Жўра Қосимовлар** қатнашади.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/I да **Гамлет** 15/I да **Ҳамза.**

МУҚИМИЙ номли театрда — 14/I да **Ватан ишқи,** 15/I да эрталаб **Спектаклардан парчалар,** кечқурун **Паранжи сирлари** («Холисхон»).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 15/I да мактаб музика абонементи бўйича 7,8,9,10, 11-синфлар учун **суҳбатли концертлар.** Кундуз соат 1 яримда ўзбек тилида: **«Ўзбекистон композиторлари ижодида ёшлар»** деган темада. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Кундуз Миркаримова ва Коммуна Исмоилова** қатнашади. Кундуз соат 4 да рус тилида: **«Камер музикаси нима»,** деган темада.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Ю. Дуров гастролининг давоми** (ўргатган итлари билан) ва бошқа номерлар. Якшанба куни 3 марта томоша кўрсатилади: кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда.

КИНО

Кўчма қалъа (янги кенг экранли бадиий фильм) — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Шовқин-суронли кун — «МИР» (кундуз соат 4 ва кеч 10 да), «ВАТАН» (кеч 8 яримда).

Олекса Довбуш — СОБИР РАҲИМОВ номли, «ДРУЖБА» (2-залда), «ЁШ ГВАРДИЯ», «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Тирилиш (1- серия) — «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА» (1- залда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Достигаев ва бошқалар — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз соат 4 ва кеч 10 да).

Лўлиларнинг сўнгги чайласи — «МИР» (кеч соат 6 да).

Махфий разведка (эрталаб соат 10-40 минут, кундуз 12 ярим, 3 ва кеч 8 да), **Янги Деҳли** (кеч 5 ва 10 да)— НАВОИЙ номли.

Курашаётган Конго (кундуз ва кечқурун), **Рим устида беш ҳалқа** (кундуз соат 2-20 минут, 3 ярим ва кеч 9.40 минутда) — КИНОЛЕКТОРИЙ.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ
КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
16,17,18 январда
УЗБЕК АШУЛА, РАҚС
ВА МУЗИКА
КЕЧАЛАРИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Коммуна Исмоилова, Меҳри Абдуллаева, Қундуз Миркаримова, Дилором Шерова Аюб Қодиров,** Ўзбекистон радиоси солисти **Алижон Ҳасанов** филармония солистлари **Манзура Мўминова, Зиёдулла Ҳамдамов, Сайфиддин Йўлдошев, Умар Ҳамидов, Ғафур Иноғомов, Ғафур Азимов Эргаш Тошматов, Аркадий Давидовлар** қатнашади.

Концерт кеч соат 7 ярмида бошланади. Билетлар сотилмоқда.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ, *«Правда Востока» кўчаси 26 уй*

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: партия турмуши — 33469. Пропаганда — 33469. Саноат ва транспорт — 29.005. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 31225. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси
Р. 01456. Нашр. Б. 12.